

Мавзу: Фурқат ҳаёти, ижоди ва адабий мероси.

(4 соат)

Режа:

1. Фурқат асарларининг ўрганилиши;
2. Фурқатнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти;
3. Фурқат лирикаси;
4. Фурқат – санъаткор шоир;
5. Фурқат адабий меросининг аҳамияти.

Фурқат ўзбек демократик адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири бўлиб, ўзбек миллий уйғониш даври адабиётида маърифатпарварлик йўналишининг энг жўшқин куйчиси сифатида ижод қилди. Фурқатнинг адабиётимиз тарихидаги ўрни ва қиммати ҳам шу билан белгиланади.

Фурқат ижодига қизиқиш ва уни ўрганиш шоир ҳаёлигидаёқ бошлаган. Бу ҳол Фурқат асарларини тўплаш ва уларни нашр этишда кўринади. Литографияда 1913 йилда «Баёз маъ ҳажвиёт мавлоно Муқимий маъ мавлоно Фурқат» дан ташқари, шоир асарларининг талайгина қисми ўша давр вақтли матбуотида, яъни 1970 йилдан чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газетида» да шоирнинг кўплаб асарлари босилган. Фурқат ижодини ўрганишга рус шарқшуноси академик А.Самойлович ҳам қизиқиб Петербургда чиқадиган «Записки Восточного отделения русского археологического общества» тўпламининг 19-томида 1909 йили, «Ўрта Осиёдаги туркий адабиёт материаллари» сарлавҳали мақоласида Фурқатнинг Истамбулдан ёзган мактубнинг асл нусхасини шоирнинг тошкентлик дўсти мулла Камолиддиндан олганини айтади ва шу муносабат билан Фурқат ҳақида қатор ноёб маълумотларини ёзади.

Фурқатнинг ҳаёти ва ижодини оммавий тарзда ўрганиш XX асрнинг 30-йилларида Хомид Расулнинг «Гулистон» журналидаги мақолалари ҳамда мактаб дарслик ва хрестоматияларида нашр этилган асарлари асосида бошланди. Унинг ижодини атрофлича ўрганиш, оммалаштириш ва истеъдодли маърифатпарвар-демократ шоир сифатида баҳолаш соҳасида 1959 йилда шоир туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат 1859 йилнинг 1-мартида қўқон шаҳрининг ғишткўприк даҳасидаги Эски Бешариқ маҳалласида ушшоқ тижоратчи Мулло Ҳолмуҳаммад оиласида туғилган. Эски усул мактабида хат-саводини чиқаргач, 1870 йили Жомъ масжид мадрасасида ўқишни давом эттиради. Бу ҳақда у ўзининг 1891 йили ёзган «Саргузаштнома» сида батафсил тўхталган. Зеҳдли Зокиржон мадрасада ўқитиладиган

билимларни тез ва осон ўзлаштиради, айниқса араб грамматикаси, мантик, фалсафа ва адабиётга оид билимларни иштиёқ билан ўрганади. Кечалари Ҳофиз, Бедил, Жомий, Фузулий ва Навоий асарларини ўқийди. Бироқ Зокиржоннинг мадрасадаги ўқиши узоққа чўзилмади. 1876 йили босқинчи хукмдорлар «Жомъ» мадрасасини бекитдилар. Зокиржон севимли машғулоти бадиий асар ўқишни мустақил давом эттиради. «Фаркат» таҳаллуси билан шеърлар машқ қилиб туради. Отасининг тижорат ишларига ёрдамлашади. 1878 йилда, янги Марғилонга, тоғаси ёнига борди ва у ерда бир неча йил савдо ишлари билан банд бўлди. Шоирнинг «Саргузаштнома»да берган маълумотига кўра, у кўпгина ҳаётий ходисалар билан, жумладан «Туркистон вилоятининг газети» билан шу ерда танишган экан.

Шоирнинг 80-йиллар бошларида кўконга ота – онасининг олдига қайтади. Уйланади. Фарзандлик бўлади. қизғин ижодий иш билан банд бўлади. Машҳур «Чор дарвеш» қисасини форсчадан таржима қилади. Шарқда машҳур бўлган дидактик сюжетлардан фойдаланиб «Ҳаммоми ҳаёл», «Нух манзар» асарини ёзади. Бу асарлар хозирча топилгани йўқ.

Бироқ жуфти ҳалолининг фожиали вафотидан кейин тоғасининг қистови билан яна янги Марғилонга бориб тижорат ишлари билан машғул бўлади. қисқа вақтдан кейин фарзандининг вафотини эшитади. Мана шу пайтда таҳаллусини ўзгартириб Фурқат яъни айрилик таҳаллусини қабул қилади. Бу давр шоирнинг ҳаётидагина эмас ижодида ҳам туб бурилиш ясади. Унинг ижодида демократик ғояларининг туғилиши ва шаклланиши кўзга ташланади.

Фурқат 1889 йили саёҳат қилиш мақсадида Марғилондан чиқиб кўкон орқали Хўжандга келади. Бу ердаги дўсти Асирий хонадонига сўнгра мадраса хужрасида беш ойча яшаб, ўша йили июнь ойида Тошкентга келади. Дўсти хожи Аъзам ёрдами билан Кўкалдош мадарасаси хужрасига жойлашади ва бу ерда икки йилча яшайди. Фурқат Тошкентда рус маданияти, илм-фани билан яқиндан танишади. Н.П.Остроумов, В.П.Наливкинлар билан учрашиб ўлка тарихи ва этнографияси хусусида кўп суҳбатлар қилади. Айни пайтда «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Нағма базми хусусида» ва уч бўлимдан иборат «Виставка хусусида» туркум шеърларни, «Суворов» маснавийси ва бошқа асарларини яратади ва улар «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинади. Ўзи ҳам С.Абдуғафоров тавсияси билан «Туркистон вилоятининг газети» таҳририятида таржимон вазифасида хизмат қилади. Фурқат 1891 йил май ойида чет эл сафарига чиқиб, Самарқанд, Бухоро, Когон орқали Марв, Ашхабод, Боку, Ботуми тарафи билан Истамбулга келади. У ердан ноябр-декабр ойларида Юнон мамлакати Искандарияни ва Мисрни кўриб, 1892 йил бошларида Булғария ва Грецияга борган, сентябрда эса Бомбейга етиб борган. 1893 йилнинг 20 мартигача шу ерда яшайди. Кейин Кашмир орқали Тибетга

ўтади. Сўнгра Хужанд орқали Ёрқентга 1893 йил августида етиб боради ва ўша ерда умрининг охиригача яшайди. Фурқат Ёрқентда Раънохон исмли аёлга уйланиб, Нозимжон, Хақимжон, Нодиржон исмли ўғиллари бўлган. Фурқат Ёрқентда машхур табиб бўлган. У 1909 йилнинг кузида вафот этади. Уни Ёрқентнинг Дангдар маҳалласидаги қабристонга дафн қилганлар.

Муаммо:

Фурқат ўқиган мадрасани нима учун беркитиб қўйдилар? Шоир янги Марғилонда нималарни кўрди, унинг руҳиятида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Шоир нима учун таҳаллусини ўзгартирди? Фурқат нима учун сермашаккат сафарга чиқди?

Фурқат мумтоз поэзиямизнинг йирик намоёндаларидан биридир. Унинг адабий меросини катта қисми лирикадан иборатдир. Шоир мумтоз поэзиянинг мавжуд шеърӣй шакллари: ғазал, муҳаммас, мусаддас, маснавий, таржиъбанд каби жанрларда такрорланмас гўзал асарлар намуналарини яратганлар. Фурқат лирикасида инсоний кечинмалар ҳаётӣй, ҳаққонӣй тасвирланади.

Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса,
қилурга шарҳи хол, аҳли муҳаббат икки тан бўлса,
Булут қатра фишону, руҳадоза сабзалар хандон,
Ариғларнинг лабида сабзакори бир чаман бўлса.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андик даҳр эл ортуқча ғавғо тортадур,
қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,
Икки хинду баччадурким, ёндошиб ё тортадур.

Фурқат лирикада ажойиб ўхшатишлар оригинал истиора, мажозлар ва ҳарактерли ташбихлар кўп учрайди. Тили жонли, жозибали масалан «Кашмирда» шеърӣда ажойиб мажоз ва истиоралар яратган:

Айтдим: «Эй жон офати, зулфингга бўлмишман асир»,
Айтдим: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»
«Нуқта лаб устида бежодир»,-дедим, айди кулиб:
«Сахв қилмиши котиби қудрат, магар тақрирда».

Шоир ёр лабида хол борлигини англамоқчи бўлиб, уни нуқтага ўхшатади. Шунинг учун араб алифбосида «Лаб» сўзининг ёзилишидан фойдаланиб, сўз ўйини ясайди. Шоир ёрга хитобан «Лаб» сўзида нуқта хол пастида бўлгучи эди, сенинг лабингда нуқтанинг лаби устида туриши бежодур, деб ҳазил қилади. Ёр эса ўз жавобида ундан ҳам шўхрок мавзунини ифода этади: вужудим яратилаётганда худо қилиб нуқтани юқорига қўйиб қўйган.

Фурқат маснавийлари – дostonлари.

Бизгача Фурқатнинг уч дostonи «Суворо ҳақида» назми тақриз дostonи, тарихий биографик характерга эга бўлса, «Юнон мулкида бир афсона» дostonи ярми афсонавий тусдаги саргузаштни баён қилувчи романтик дostonдир. «Бир мажаро» дostonи эса шоир яшаган давр ҳаётидан олинган бўлиб, ҳаётий – танқидий характердадир.

«Суворо ҳақида» бу дostonда Фурқат рус саркардаси, рус қуролли кучларининг ифтихори А.В.Суворов тимсолини яратган. Маснавий йўлидаги бу назмий асар 1890 йилда Тошкентда ёзилган бўлиб, у 172 мисрадан иборат. Асарнинг ёзилишига сабаб бўлган воқеа 1890 йилнинг 5 октябрида Тошкентдаги Колизесда яъни рус театрида драматург Н.Куликовнинг «Суворов қишлоқда, Миланда ва яхши аёллар орасида» номли драматик асарини сахнада кўрган. Фурқат ундан қаттиқ таъсирланганидан ва унинг мазмунини шеърини шаклда баён этиб, «Суворов ҳақида» асарини яратган. Дostonда рус саркардаси А.В.Суворов ҳаётининг сўнгги йилларига оид лавҳалар акс эттирилган. Екатерина II тахтининг вориси Павел I билан Суворов ўртасида чиққан низо натижасида Суворовнинг сургун қилиниши, Наполеон Бонапарт босқинчиликларига қарши бошланган уруш муносабати билан Суворовнинг яна лашкарбоши қилиб тайинланиши, унинг бошчилигида рус аскарлари Италияда Алп тоғларида жанг қилиши, душманни енгиши ва тантана билан Милан шаҳрига кириб келиши каби тарихий воқеалар дoston мазмунини ташкил қилади.

Юнон мулкида бир афсона.

Маснавий йўлида ёзилган бу дoston арузнинг ҳазаж баҳрида ёзилган. Дostonда шоир чет элларга қилган ҳаётини даврида Юнонистонда бир аёл оғзидан эшитган ҳикоясини назмда баён қилади. Дostonнинг бош қисмида Юнонистон саёҳатидан олган таассуроти ҳақида қисқача тўхталган. Аёл ҳикоясини баён этишга киришади.

Мени(нг) аслим эрур аҳли Итолё,

Истиқоматгоҳим эрди шахри Румо.

Аёл саргузаштлари ажойиб воқеаларини, эгзотик лавҳаларини ўз ичига олган ва романтик бўёқлар услубида баён қилган. қизнинг бетоб бўлиб, докторлар маслаҳати билан дарё лабида қаср бино қилишни ва бу қасрда қизнинг даволаниши: бу қизнинг саёҳатга чиқиши ва дарёга ғарқ бўлиши, унинг балиқчи тўрига илиниб қутқарилиши, қиз ҳушига келгандан кейин ўз асли насабини билдириши, балиқчининг қизни Румога олиб келиб, унинг ўз ота-оналари билан таништириши дoston воқеасининг асосий лавҳаларини ташкил этади. Достоннинг ниҳоясида таъкидланишича, бир ўлимдан қолган қиз қолган умрини саёҳатда ўтказишга жазм қилган. У Италиядан чиқиб, Юнонистонга келади, бунда бир мунча вақт яшаб, Францияга ундан кейин Россияга боришни мўлжаллайди.

Фурқатнинг насрий мероси.

Фурқат биринчи ўзбек журналистидир. Унинг Тошкентда «Туркистон вилоятининг газети» таҳририятида ишлагани маълум. Фурқат бу даврда ва бундан кейин чет элларда саёҳат қилиб юрган кезларида Ёрқентда яшаган вақтларида ҳам ўз шеърлари, хабарлари ва публицистик мақоларини газета таҳририятига юбориб турган.

Маълумки Фурқат 1891 йилда Тошкентда ўзининг бошидан кечирганларини ёзади. Бу асар «Туркистон вилоятининг газети» да 1891 йилнинг январь– июнь сонларида босилган. Автобиографик характердаги бу меъмуар асар «Хўжандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони» сарлавҳаси остида босилган. Бу асарнинг қиммати шундаки, Фурқат бу манбада ўз тўғрисида баён қилиш билан бирга, муҳити, машҳур замондошлари, ўша даврда юз берган муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳам маълумот беради. Фурқатнинг ўша замон мактабларидаги ўқитиш ва тарбия усули ҳақидаги маълумотлари Тошкент маданий муҳити, рус маданиятининг турли тармоқлари – газета, босмаҳона, театр, гимназия сингарилари ҳақида маълумот берилади.

Ажойиб маърифатпарвар шоир Фурқат илмий иш билан ҳам шуғулланган. Айниқса Ёрқентда табобат-медицина, хайъат – астрономия илмлари билан жиддий шуғулланган. Шоирнинг ижодий мероси ичида унинг мазкур илмларида чуқур хабардор бўлганини кўрсатувчи фактлар бор. Фурқатнинг этнографик, тарих, шеърят соҳаларида ҳам асар ёзгани маълум. Фурқат ижодий мероси орасида тўртта илмий асар учрайди. Уларнинг учтаси «Тўй тавсифи», «Гап таърифида» ва «Аза тавсифи» асарлари этнографик руҳда бўлиб, «Илми ашъорининг қоидаи авзони» асари эса аруз вазнининг қонун қоидалари баёнидан иборатдир. Фурқат ўз даврининг илғор намоёндаси сифатида маънавий ва адабий ҳаётнинг биринчи саҳифасида туриб ижод қилди.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Фурқатнинг шеърифтдаги устози ким?
2. Фурқат биринчи таҳаллусини айтинг.
3. Нима учун у таҳаллусини ўзгартирди.
4. Фурқат Европанинг қайси шаҳарларига борган?
5. Фурқат хаж сафаридан сўнг одатий йўл билан қайтмай Тибет томон юрди.
6. Ёрқентда у қайси касб билан шуғулланган?
7. Фурқат лириканинг қайси жанрларида ижод қилган?
8. Фурқатнинг маърифий асарларини сананг.
9. Фурқат тақриз ёзганми?
10. Фурқат қандай илмларни ўрганган олим?

Адабиётлар

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Ўқув қўлланма. 3-китоб. Т. 1987 йил.
2. Фурқат. Танланган асарлар. II томлик. I-II том. Т. 1960 йил.
3. қосимов Б. Юнусов Ш. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 йил.

Мавзу: Завқий ҳаёти ва ижоди.

(4 соат)

Режа:

1. Завқийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти лирикаси;
2. Завқий ҳажвиёти.
3. Ахли раста ҳажви.
4. Завқий дostonлари.
5. Хулоса.

Убайдулла уста Солиҳ ўғли Завқий 1853 йили кўконнинг Шайхон (Дахмаи боло) ҳозирги Завқийобод маҳалласида қосиб оиласида туғилган. Унинг отаси махсидўз уста эди. Убайдулло аввал маҳалла масжиди қошидаги эски усул мактабида хат-саводини чиқарган, тахминан 1870-71 йилларда илм ихлосманди, тоғаси Муҳаммад Содик маслаҳати билан кўқондаги «Мадрасаи олий» да, кейин «Мадрасаи чалпак» да таҳсил

олади. 1874 йили отасининг оёқлари шол бўлиб қолгач, Убайдулло ўқишни тугатиб, «Мадраси олий» даги хужрасида ота касби махсидўзлик қилиб, рўзгор тебратишга мажбур бўлади. Убайдулло талабалик йилларида тоғаси тақдим қилган А.Навоийнинг «Чор девон»ини, «Хамса» сини мутоала қилиб, унга эргашиб шеър машқ қилар экан. Ўзига Завқий деб таҳаллус танлайди. Бу даврда кўқонлик Муқимий, Мухйи, Мухсиний, Мухаййир, Рожий, қорий, Асрий сингари шоирлари ижоди халқ тилигатушиб қолган эди. Завқий ҳам улар даврасидан муносиб ўрин олади. Уларни мушоираларида, адабий суҳбатларида қатнашиб туради. Баъзан улар ҳам тўпланишиб Завқийнинг мадраса хужрасига жойлашган устахонасига келишиб, хазил мутойибага бой шеърхонликлар қилиб турганлар. Шундай «Меҳмондорчиликлар» нинг бирида устахона эшигининг устига Муқимий: (дастхат)

Бу Убайдуллохоннинг кошонаси,

Уста Солих ўғли дўкон хонаси.

Эй биродари ахли тамиз,

Эски махсию ковуш тикамиз – деб ёзиб қўйган эканлар. Завқий шу ижодкор тўда билан биргаликда ижодий камолотга эришади ва халқ орасида шоир сифатида шуҳрат қозонади.

Муаммо:

Завқий лирик шеърларни тўплаганми? Бирор тўплам ёки девон тузганми?

Шоир бир муддат кўқондаги пойафзал растасида иш юритувчи бўлиб ишлайди. 1890 йилда яна ўз касби махсидўзликка қайтади. қизғин ижод билан шуғулланади. Мана шу пайтда унинг ижодида ҳажвчилик пайдо бўлади ва тез ривож топади. 1898 йилда шоир ҳаётида кетма-кет бахтсизликлар бўлиб, аввал шол бўлиб қолган отадан, кейин икки укадан айрилади. Хотини Тошбиби икки кўзи кўр бўлиб ўтириб қолади. Бу мусибатларни бироз юмшатиш мақсадида шу йили Муқимий билан бирга Андижон, сўнгра Ўшга саёҳат қилади. Улар Андижонда дўсти шоир қорий Юсуф Мунтазир, Бимийлар билан учрашадилар. Худди шу вақтда Йикчи Эшон вақеаси бошланиб қолади. Шоирлар Йикчи Эшон қароргоҳини ва бу воқеа билан боғлиқ бўлган бошқа жойларни бориб кўрадилар. Кўрганларини Завқий «Ҳажви Йикчи Эшон», Муқимий эса «Ҳажви Халифаи Мингтепа», «қурбақалар» ҳажвияларида баён қиладилар. Завқий тоғаси Муҳаммад Содик билан биргаликда 1900 йил хаж сафарига чиқадилар. Улар Кавказ, Туркия, Миср орқали Маккатуллога етиб борадилар. Сафар уч йил давом этади. Хаж сафари Завқий ижодида ҳақиқатпешалик томон жиддий ўсишни таъминлайди. Эндиликда у ўз асарларида

халқпарварлик ғоясини илгари суради. Мавжуд ижтимоий тузумдан нафратланиши, фаровон турмушга интилиши, ижтимоий адолатсизлик жаҳолат ва қолоқликни лаънатлаш асосий мақсадга айланиб қолади. Завқий томонидан 1906 йили савдо растасидаги 46 нафар қаллоб савдогар ҳажв қилиниб, гавжум сайлгоҳлардан бири Мўймаракдаги бир теракка осиб қўйилади. Умуман Завқий ҳажвга дуч келиб авра астариси очиб ташланган кўконнинг казо-казолари савдогарлари шоирни таъқиб қила бошлайдилар. Шаҳар ҳокимига арз қилиб жарима солдиради, бўлмайди. Уезд ҳокимига чақиртириб, Сибирь сургунибилан кўрқитишмоқчи бўлишади, бўлмайди. Охири Эргаш кўрбоши ваҳшиёна усул билан шоирни тўхтатади. Бироқ ўз халқининг ғазабига йўлиқади. Шоир 1906 йили яратган «Аҳли раста», «қаҳатчилик», «Замона», «Ажаб эрмас» сингари асарлари даврнинг ёрқин ойнаси бўлиб тарихда қолди. 1918-20 йилларда очликка қарши кураш кўмитаси босмачилар сулҳига даъват этувчи гуруҳ аъзоси сифатида фаол хизмат қилган кекса шоирни босмачилар ваҳшиёна азоблайдилар, халқ зўрға катта пул эвазига шоирни кутқариб қоладилар. Бироқ кекса шоир ўнғарилмайди. 1921 йил май ойида қазо қилади. кўкон шаҳар кенгашининг 1922 йил ноябрдаги қарори билан шоир туғилиб ўсган Шайхон Завқобод маҳалласи деб, Янгикўрғондаги Каримбобо қишлоғи Завқийобод деб аталади.

Муаммо:

Ҳажвгўй шоир Завқий лирикасида қайси мавзуларни маромига етказгану, қандай муаммоларни ёритган? Уларда бадиийлик ва ижодий маҳорат қай даражада?

Завқий салафлари, А.Навоий, Фузулийлар анъанасини давом эттириб, ишқ муҳаббат кечинмаларини назмга солиш билан шоирликка кириб келган. Хусусан Завқий А.Навоийнинг «Нетай» радифли ғазалига шу вазн, қофия ва мазмунда назира боғлаб, уни янадда мукаммалаштирган бўлса, Фурқатнинг «Уч харобати» мусаддаси руҳи ва услубида, «Бодом васлинг» ғазалидир. Завқий ҳам Фурқатдек самимий муҳаббатга эга бўлган, аммо тақдирнинг вафосизлигидан алам ва изтироб чеккан «Уч ошиқ» ҳақида фикр юритган. Иккаласи ҳам арузнинг ромал баҳрида ёзилган:

Бодом васлинг қачонким нўш этибон қонамиз,
Тонгғача хижронда бўлғайму биз майхонамиз.

Завқий лирикасининг реалистик кучи, айниқса, унинг сиёсий мавзуларида ёзилган шеърларида яққол кўриниб туради, «Демиш Хон», «Ажаб эрмас», «Фарғона» асарлари ажойиб сиёсий шеър намунасидир. «Демиш Хон» шеър муҳаммаси шаклида ёзилган (7*5-35) кўкон тарихида содир бўлган муҳим ходиса, 1876 йилдаги кўкон хони –

Худоёрхоннинг тахтдан хийла билан олиниши хон тилидан ёзилган. 1917 йили ёзилган «Ажаб эрмас» мухаммаси (7 банд 35 лирика).

Муаммо:

Завқий ҳажвиётида кўтарилган муаммоларни сананг. Уларнинг ечими ҳақида шоирнинг нуқтаи назари матнда қандай берилган?

Завқий ўз даври ҳажвчилигида Муқимий муҳитининг кўзга кўринган вакилидир, унинг ҳажвиёти мавзу доираси, ҳаётий ходисаларни баҳолаш ва ғоявий-эстетик нуқтаи назари жиҳатидан илғор драматик ҳажвиёт намунасидир. Чунки унинг ҳажвиётида ижтимоий ходисалар халқ нуқтаи назаридан баҳоланади. Турли иллатлар қаттиқ танқид қилинади, адолатсизлик, ёлғончилик, худбинлик, харомхўрлик, меҳр-оқибатсизлик фош қилинади. Хукмрон табақага мансуб ҳамма бўғинлардаги заиф амалдорларнинг аянчли имсоллари чизилади. Бу ҳажвлар шоирни турмуш-ижтимоий тузум ва ундаги қонунларнинг моҳияти ҳақидаги сиёсий қарашларини, арзу-истакларини акс эттиради. «Замон кимники?», «Дар мазамати замона», «Бўл», «Мунча кўп» асарлари ана шундай ҳажвлар жумласидандир.

Сендин, эй даврон ичиб ғам захрини ғамнокман,
ғунча янғлиғ оташинликда гирибон чекман.

Демадим бир бор ичсам дафғига (қайтариш) тарёк(афюн) ман

Халқ наздида ҳақиру хок ё хошокман.

Давлату, иззу шарифлар марди бодунёники – каби саллоники, расвоники, забоники
радифлари қофияланиб келган.

Сўрсаларким, бу мухаммасни ким айди, деб агар,

Завқий деган бир ямоқчи, махсидўз устаники, деб якунлайди.

Завқийнинг «Вексел» ҳажвияси жамият ҳаётида борган сари кучайиб бораётган тақчиллик, ғирромлик, зўравонлик муносабатларини ва уларнинг иллатларини очиб ташлашда муҳим ўрин тутди.

«Вексел» ҳажвий мухаммас шаклида ёзилган бўлиб, у Завқий билан Муқимийнинг биргаликдаги ижодий махсулидир, тўғрироғи Завқий ғазалига Муқимий боғлаган мухаммасдир. Ҳажвияда Фарғона водийсда расм бўлаётган пул ўрнига вексел бериш, шу

йўл билан деҳқон ва касб-хунармандни узоқ муддатли иқтисодий тангликда тутиб туриш сиёсати ҳақида фикр юритилади.

Мансур (ниқобланган) қолмагайким сўзининг йўғони чиқди,
Олтиариқликларда ҳам векселни қони чиқди,
Зовудни биткаралмай эшоннинг жони чиқди,
Афсус эй халойиқ ишларнинг ёмони чиқди.
Охир замона маълум бўлди, нишони чиқди.

Халқки камбағаллар гўё ғалтак ўлди,
Ўлганнинг устига ҳам бирмунча калтак ўлди,
Бу воқеа, Муқимий, ҳар ерда дoston ўлди,
Бул-дабба, нарх-қиммат устига пўстак ўлди,
Кетига пўстак боғлаб Завқий баён чиқди.

Бу ҳажвий ночор тузум туғдирган иллатларни фoш этувчи асардир. Ушбу туркумга мансуб «Дар ҳажви шoх Иноят кўрбоши», «Ҳажви Йикчи эшон» Завқийнинг «Ахли раста ҳажви» асари ҳам кўқоннинг тим бозори расталарида савдо қилувчи, юлғич, товламачи, олибсотарларнинг қилмишларини танқид қилиниши жиҳатдан аҳамиятлидир, унда 46 та юлғич, харомхўр алоҳида – алоҳида танқид қилиниб, ҳар бири 2, 4 мисра шеър билан тасвирланадики натижада бу «қаҳрамон» ларнинг бошқалардан ажралиб турадиган энг характерли хусусиятлари, хулқлари, одатлари ўқувчи кўз олдида намоён бўлади. Муттаҳам Янгибой, аҳлоқсиз Шодмонхўжа, муғомбир Ходихўжа, тантиқ Мадъихўжа, енгилтак қосим, очкўз Хўжамжон, ифлос Мўминшoларга нисбатан нафрат билан айтилган мисраларда шоир нафрат билан бир гуруҳ разил савдогарларнинг портретини чизиб, халқ олдида уларни шарманда қилади. Бирок мазкур ҳажвиянинг ярмидан кўпроғи хали эълон қилинмаган. Мана қолган байтлар:

қодир деган ҳарoми бой бор,
Кўп муғли баланд ханграмакка,

Содиқ сўзли, юзи кимгадору?
Десам, деди: заҳм, мараз, сўзакка,
Машхур ўша кўр Мели эрурсан,
Бошинг агар етса ҳам фалакка,
Гап таъсир айламайди сенгга,
Аблаҳ тў –слепой эшшакка.

Номма-ном саналаётган раста ахлиларнинг кирдикорлари аёвсиз фош этилмоқда. «Ал раста ҳажви»нинг давоми сифатида ёзилган. «Таладинг беринг» ҳажвияси фош қилинган савдогарларнинг Завқийга тухматлар уюштирганларга жавобан ёзилган асардир.

Завқий достонлари

Завқий маснавий йўлда 2 та ҳажвий достон яратган.

1. «Воқеан қози сайлов» 1910 йили ёзилган. 65 байтдан иборат. Достонга сайлов олди жараёнида содир бўлган воқеа, яъни қозиликни эгаллаш мақсадида Хўжа Камол ва Ҳакимжон қозиларнинг манса талашиб, ўз номзодларини ўтказиш мақсадида қилган барча ярамас ҳаракатлари асос қилиб олинган. Сюжет аввалида шоир қозилликка давогар Хўжа Камолнинг ҳажвий тасвирини келтирар экан, унинг қозилик даврида қилган жирканч ишларидан ҳам лавҳалар келтиради. Бу номзод таржимаи ҳолининг ишонарли бўлишига хизмат қилган Хўжа Камол аввалги қозилик пайтида «Амри маъруф талаб бир аёл» га суюқлик қилади.

Ул хотун юлиб қозининг мўйини,
Дерки маҳкамада тўкиб обрўин,
«Зоҳиран дўзах азобин сўзлаб»,
Бошинда фикс-фужур ишин кўзлаб,
Баракалло, эй хирқапўши фосиқ.
Вазнингизгаму бу кор-бор лойиқ (оғзаки).

2. «қахатчилик» достонида ўзбек адабиётида биринчи мартаба тенгсизликка ва адолатсизликка, зулм ва зўравонликка қарши кураш халқ кўзғалони тасвирланган.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Завқийнинг шоирликдаги устозлари ким?
2. Завқийнинг лирик шеърларидан ёд айтинг.
3. «Ахли раста ҳажви» асарида кимларни қандай ҳажв қилинган?
4. Завқий қандай қозиларни нима учун ҳажв қилган?
5. Завқий қайси кўрбошиларни нима учун ҳажв қилган?
6. Уни ким, нима учун Сибирга сургун қилмоқчи бўлган?
7. Завқий достонларида қандай воқеалар баён қилинади?
8. Янги кўрғондаги Каримбобо қишлоғи нима учун Завқийобод деб номланган?

9. Завқийни халқ нима учун яхши кўрган?
10. Завқийнинг авлодларини биласизми?

Адабиётлар.

1. Каримов ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Ўқув қўлланма. 3-китоб. 1987 йил.
2. Завқий. Асарлар. Т. 1999 йил.

Мавзу: Исҳоқхон Ибрат ижодий фаолияти.

(2 соат)

Режа:

1. Исҳоқхон Ибрат ҳақида замондошлари;
2. Ибратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти;
3. Ибрат маърифатпарвар – олим;
4. Ибрат тараққийпарвар зиёли;
5. Ибрат ҳозиржавоб шоир;
6. Олим, шоирнинг илмий-адабий мероси.

Исҳоқхон тўра Ибрат-миллий ўйғониш даврининг фаол ижодкорларидан бири, серқирра истеъдод соҳиби. Ибратнинг замондоши, шоир ва маорифчи Иброхим Даврон у киши ҳақида 1908 й-«Туркистон вилоятининг газети»да (56-сонида) шундай ёзади: «Исҳоқхон тўра улуми диния ва фания ва адабияда устози комиллиғи билан бутун Фарғона ва дигар жихат Осиёи Вустода инкор ўлунмас даражада бир мавқеи мумтози тутмушдур. Исҳоқхон тўра улуми динияда мударрисдур, фунуни дунявийда, билошубҳа, архитектор, техник ва механик, физиқия илминда тилифонист, тилиғрофист ва яна химик десак яна оздур, чунки бу илмларни ул кишим яхши билур. Исҳоқхон тўра олим ва фозил бир зоти олий бўлиб, бу турфа фазоили инсонияга молик... Баъзи ихтироти ҳам бордур».

Исҳоқхон 1862 йили Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида туғилган. Унинг ота-оналари Жунайдуллахўжа ва Хуррибибилар ўз даврининг ўқимишли кишилари эдилар. Исҳоқхон дастлаб «усули ибтидоия» мактабида ўқиган, аммо хат-саводини онасининг кўлида чиқарган. Хуррибиби мактабдор бўлиб, ўз мактабида ўқишдан ташқари қизларга ёзиш ва хуснихатни ҳам ўргатар эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон онасини кўп асарларида устози сифатида ҳам хурмат билан тилга олади. Адабиёт ва санъатга муҳаббати зўр бўлган

Исҳоқхонни ўқишни давом эттириш учун кўқонга юбордилар. У 1878 йили Муҳаммад Сиддик Тунқатор мадрасасига ўқишга киради. Исҳоқхоннинг кўқон мадрасаларида таҳсил кўрган, 1878-1886 йиллари ўзбек адабиётида, маданий ҳаётида, маорифда катта ўзгаришлар содир бўлаётган даврга тўғри келади. Унинг бу адабий-маданий ҳаётдан баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз.

Муаммо.

Ибрат кўқон адабий муҳитида етишган қайси ижодкордан нимани ва қандай адабий ижодий усулларни ўрганган ва уни ўз ижодий фаолиятида қандай рўёбга чиқарган?

Ибрат кўқон адабий муҳитининг йирик намоёндалари Муқимий, Муҳйи, Фурқат, Завқий, Ҳазинийлар билан яқин алоқада бўлган адабий мушоираларда иштирок этган. У мадраса берадиган илмлар билангина чекланиб қолмай, ўқиш давомида Шарқ шоиру олимларининг китобларини араб, форс ва рус тилларида ўқиган. «Туркистон вилоятининг газети», «Туркестанские ведомости» каби ҳамда ўлкага янги тарқалаётган Исмоилбек Гаспиралининг «Таржимон» газетаси билан ҳам биринчи марта кўқонда талабалигида танишган. 1886 йили мадраса ўқувини тамомлаб Тўрақўрғонга қайтган Ибрат ўз қишлоғида «усулисавтия» мактабини очиб ўқитувчилик қила бошлайди. Бироқ мутаассиблар мактабни биринчи йилдаёқ ёпишади. 1887 йили онасини олиб ҳаж сафарига жўнайди. Жиддада онаси қазо қилгач, ўзи ўша ерда бир муддат яшайди. Сўнг қобул, Истамбул, София, Рим шаҳарларига саёҳат қилади. 1892-96 йилларда Бомбей, Калкутта шаҳарларида яшаб, бу ерда кўп ишлатиладиган арбаъ лисон, яъни тўрт тилни: араб, форс, хинду-урду ва инглиз тилларини мукаммал ўрганади. 1896 йили Бирма орқали қашқарга ўтиб, юртига етиб келади. Ибрат чет элдан қайтгач адабий-маърифий ишга астойдил киришади. У олти тилни ўз ичига олган «Луғати ситта алсина» номли луғат китобини ёзиб, 1901 йили нашр эттиради. Жадид мактабини очиб ўқитувчилигини давом эттиради. Ҳамом, чойхона куради. «Матбааи Исҳоқия»ни очиб нашр ишларини йўлга қўяди. «Кутубхонаи Исҳоқия», «Фотография Исҳоқия» ва «Исҳоқия боғи» очиб оммани маърифий маданий тараққиётига хизмат қилади. Бироқ оммавий қатағон Ибратни ҳам четлаб ўтмади. 1937 йилнинг баҳорида Ибратни ҳам қамоққа олишди. 75 ёшни қоралаган шоир-маърифатпарвар шўролар ҳибсхонасида икки ой ичида, суди бўлмай қазо қилади.

Ибрат – истеъдодли шоир. У-ўзбек, араб ва форс тилларида эркин ижод қилган. Шеърларини тўплаб девон тузган. Аммо мазкур девон топилани йўқ. «Илми Ибрат» шеърини тўплами 1909 йили ўз матбаасида нашр этилган.

Муяссар бўлса ул жонон, ато қилса ўшал Субҳон,

Йўлида жон қилай қурбон, саҳар вақти чаман ичра.

Ибрatий, ьеҳабар бўлма, яна ғафлат била ўлма,
Гуноҳи беадад қилма, саҳар вақти чаман ичра.

Ибрat ннҳоятда ихчам, байтлари бир-бирига жуда мутаносиб, ўзига хос композицияга эга ғазаллар ярата олган. ғазаллардаги нафис ташбиқ сифатлашлар мазмун теранлигига хизмат қилган. У шўролар даврида ҳам ҳажвий асарлар яратишда давом этган.

Эй, районга раис ўртоқлар,
Давлат узра юринг бўлиб соғлар.
қуриди ўрик, олма, ёнғоқлар,
Хўжасини қўйиб бағрига доғлар.
Сайрашар эрди гул узра булбуллар,
Булбул ўрниға қузғуну зоғлар.

Ибрat ўз даврининг йирик муаррихи сифатида «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият» ва «Мезонус замон» асарларини, тилшунос сифатида «Жомеъ ул хутут» илмий асарини яратди. Бу асарда муаллиф ёзувларнинг энг қадимийси – пиктографик ёзувлардан, то сўнгги давр энг мукамал ёзувларгача босиб ўтган тараққиёт босқинчиларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Асар 132 бетдан иборат.

Ақлий ҳужум саволлари.

1. Ҳижо усулига асосланган мактаб ҳақида гапиринг.
2. Усулисавтия мактабларининг эски мактаблардан қандай фарқи бор?
3. Савтия сўзининг луғавий маъноси нима?
4. Ибрatнинг биринчи устози ким?
5. Ибрat қайси адабий жанрларда ижод қилган?
6. Ибрat қайси тилларда ижод қилган?
7. Ибрat тилшунос сифатида қандай асар яратган?
8. Ибрat қайси номларда тарихий асарлар ёзган?
9. Ибрat тузган луғат неча тилли?

Адабиётлар:

1. Мерос. (Ибрат. Тарихи Фарғона). Т. 1991 й.
2. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т. 2004 й.
3. Ибрат, Ажзий, Сўфизода,. Танланган асарлар. Т. 1999 й.

Мавзу: Каримбек Камий ижодий фаолияти.

(2 соат)

Режа:

1. Камий ижодини ўрганиш тарихи;
2. Камийнинг ҳаёти ва ижоди;
3. Шоир лирикаси;
4. Камий-маърифатпарвар;
5. Камий ижодида ҳаёт ҳақиқати;
6. Хулоса.

Каримбек Камий – миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири. Шунинг учун унинг ижоди ўз даврида ҳам эътиборсиз қолмади. Унинг шеърятига кексаю ёш ўз муносабатини билдиради. Шулардан бири Муқимийдир. У дўстига ёзган мактубларидан бирини «Биродари Киромий мавлавий Камий» деб бошлайди. Мактубда Муқимийнинг Камийга муносабати, қолаверса, унга берган баҳоси ўз аксини топган. Камийнинг шогирдларидан бири Сидқий Хондайлиқий ўз устозини «Суҳанварлик иқлимида шухратбардору олийшон» деб таърифлайди. Ўшлик шоир Амоний эса шоир тавсифига алоҳида шеър бағишлаган. Унда Камийни «Хушфасоҳат иқлимига шох», «лисонул ғайб» дея васф этди. Унинг шоирлик оламида «файзи илоҳийдан асар» кўрди. Лекин шоир ижодига Анбар отин, Иброҳим Давронлар танқидий муносабатда бўлганлар. Бу – улар орасидаги адабий-эстетик ва фалсафий қарашларининг турли хиллиги билан изоҳланади.

Шоир вафотидан кейин унинг ижоди ва шахсига баҳо бериш шўро адабиётшунослиги зиммасига тушди. Бу давр адабиётшунослари шоирни «Ватан хоини», «Халқ душмани», «Миллатчи жадиди» сифатида баҳолаб келди. Ниҳоят 1998 йили Камийнинг 4500 мисрага яқин шеърлар мажмуаси «Дилни обод айлангиз» номи билан

нашр этилди. Мана шу билан шор ижодини халққа танитиш, илмий муомалага олиб келиши ва адабиётдаги ўрнини белгилаш имкони яратилди.

Муаммо:

Камий қайси адабий муҳитда етишган? Унинг ижодий фаолиятида қандай ғоя илгари сурилган? Ўзи ҳаётда қандай инсон бўлган?

Камий 1865 йили Тошкент шаҳрида чопонпуруш савдогар оиласида туғилди. Отаси Шарифбек илм-маърифатга хайрихоҳ, адабиётга ихлосманд, зиёли савдогарлардан эди. Оилада бўлажак шоирнинг тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Каримбек бошланғич таълимни Мозорхон маҳалласидаги Мансурхон домладан олган. Шу даврда устозидан Хофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоёрлар шеърини ҳақида билим олади. Мана шу билим ёш, қизиқувчан Каримбек кўнглига шеър ишқини солади. Мактабни тугатгач у «Бекларбеги» мадрасасида ўқишни давом эттиради. Илмга чанқоқ Каримбек шу мадрасанинг машҳур мударриси Шомахмуд Охундда «Хажми кутуб» қилади. Камий талабаликдан кейин ҳам ана шу мадраса ҳужрасида қолиб, фақирона ҳаёт кечиради. Уйланмайди. Шоирнинг баъзи шеърлари ва айрим манбалар унинг 1899 йили Чимкент, 1911 йили Андижон ва қўқон, 1912 йилда эса Чимкент, Сайрам ва Авлиёота сафарларида бўлганлигидан далолат беради. Шоир Камий 1922 йилнинг ёзида 57 ёшида қазо қилган.

Муаммо:

Камий қайси фазилати ёки қайси асари билан Муқимийнинг назарига тушган? Нима учун Камий босқинчиларни ёмон кўради? Нима учун уни Анбар Отин сингари шоирлар ёқтирмайди?

Камий мумтоз шеърятимизнинг ғазал, мурабааъ, муҳаммас, мусаддас, рубоий, қитъа ва фард каби жанрларида ижод қилди. Камий ижодиётининг асосий қисмини ишқий лирика ташкил қилади. Унинг назиди:

Ишқдир оламда бир роҳатфизой комил асар,

Мабдаи айни сиришқу мазҳари охи шарар

яъни: ишқ барчани хайратга солувчи бир «Комил асар». Кўз ёшининг манбаи ҳам у, ўтли оҳнинг мазҳари ҳам у айнан мана шу ерда азамий ва адабий инсоний ишқнинг табиати

очилади. Шундай ишқ эгаси бўлмаган инсон-инсон эмас. Шунинг учун ҳам Камий фикрини давом эттириб:

Дилеким, онда йўқдир оташи ишқ,
Ки, ондин шамъ ила парвона яхши – дейди.

Табиий, ишқ ҳар бир ошиқ қалбида бир бор янгиланади. Ошиқда янгича кечнмалар уйғотади, оҳарли туйғулар туғдиради. Бунга ўша ошиқнинг маъшуқаси, унинг феъл-фаври, ўзига хасликлари сабаб бўлади.

Камийнинг маърифатпарварлик руҳидаги шеърятининг гимназияни таништирувчи шеърлари билан бошланган. Бу жиҳатдан у Фурқат мактабининг давомчисидай бўлган эди. Бироқ шоир ижодидаги бу фикрий йўналиш ўзгарди. У асосан миллий мадрасамизнинг толиби илмларини илмга даъват этувчи асарлар яратишга ўтиб кетди. «Дар таърифи тавсифи илм», «Аё, эй, мулло Фозилжон қори» каби матлалари шеърлари шулар жумласидандир:

Обрўйи дину дунё илмдур, бешакку райб,
Касби илм эт, икки дунёда саодат бирла бўл.

Шоир назарида инсонни эътиболи қиладиган ҳам, уни бахту-иқболга, молу-давлатга етиштирадиган ҳам илм. Унингча инсон молу дунё, наслу-насабига қараб эмас, айнан илму-одобига қараб азиздир.

Азизлик сонмангиз молу насабдур,
Шараф ҳосил этган илму адабдур.

Дарҳақиқат Камийнинг бу давр маърифатпарварлик шеърятининг илм толиблари учун ўзига хос дастур характери эга. Масалан: шоир миллат ёшларини илмга даъват қилар экан, шунинг баробарида фазлга, адабга, ҳаёга ҳам чақиради. Илм толибини васф этганда унинг нафақат илмини, балки фазлу камолини ҳам ибрат қилиб кўрсатади.

Камолу фазли илмингизни зиёда,

Базуди айласун Халлоҳи Борий,-дея дуо қиладди. Яратгандан унга яна илмгина эмас, фазлу камо ҳам сўрайди. Шоир назарида мактаб илм билан биргаликда «Ҳаёу адаб»нинг ҳам кони:

Мактабки, кони илму адаб эрур,
Мактабки, файз чашмасию фазли Раб эрур.
Мактабки, обрўю, камола сабаб эрур,
Мактабки, фавқи ҳар шайю кулли насаб эрур.

XX асрнинг 10-йилларига келиб Камий маърифат-парварлиги янги босқичга кўтарилди.

қилмагай илм сари кимса назар,
Халқ бехуда касбга майл айланар.
қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,
Кўрди беилм қавм неча зарар.
Дилки, миллат ғамидин қон ўлди,
Доимо судимиз зиён ўлди.

Миллатнинг йўлдан озганлиги, балолар гирдобиди бир хас сингари қолиб кетганлиги хатто бировларга қарам бўлиб, бутун мол-мулки, қўлдан кетганлиги ҳам шоир наздида илмсизлик оқибати эди.

Илмсизлик чиқорди туз йўлдин,
Олди қоплаб бало ўнгу сўлдин.
Бизда на қолди сарвату пулдин,
Кетти мол ила мулкимиз қўлдин.
ғарбийлар, яъни Ўвруполарға.

Давр шиддаткор воқеаларга бой эди. Феврал воқеалари юз берди. Чор ҳукумати оғдарилди. Миллат бошидан «Жаҳаннами зулумот» чекинди, «Субҳи нажот» табора яқинроқ кўрина бошлади. Шу билан бирга яна унинг шеърларида октябрнинг «Ранжу зулми» дан бошлаб Туркистон мухториятини қонга ботирган большевикларнинг «феъли бад»игача ўз ифодасини топган. 1917 йилнинг 25 ноябрида қўқонда большевистик тузум оғдариб ташланади. Ўша куни Туркистоннинг мустақиллиги ҳақида резолюция қабул қилинди. 28-ноябрда бўлажак давлат тузилмасининг номи «Туркистон мухторияти» деб белгиланди. Афсуски бу мухторият 81 кун умр кўрди. Большевиклар никобини кийган рус шовинистлари ерли халқнинг мустақиллигига тиш-тирноғи билан қарши турди. Туркистон мухториятининг маркази қўқон шаҳрини 19 феврал куни вайронага айлантирди. Туркистон Ўлка харбий комиссари Перфильев замбараклардан қўқон шаҳри устига ўт очишни, ёндирувчи снарядлардан фойдаланишни буюрди. Шаҳар уч кун ёнғин ичида қолди. 10000 шаҳарлик халок бўлди. Бу ҳақда Камий:

Вой, юз войки, Фарғона хароб ўлди, дариғ,
Зулм ўқи бирла бу кун гарди туроб ўлди, дариғ,
Бу муносабатдин улус чашми пуроб ўлди, дариғ,
Ҳам бари катта-кичик бағри кабоб ўлди, дариғ,
Шаҳри обод эрди, чун дашти сароб ўлди, дариғ.

«Хуканд фожиасина» деб номланган бу мухаммас

«Большевиклардин алар узра итоб, ўлди дариғ», - дея яқунланади.

Хуллас Камий ижоди Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг ҳар икки даврига даҳлдор. Унинг шеърларида маърифатпарварликдан то миллат қайғуси, миллий муаммолар-бевосита Истиқлол ғояларигача бор.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Камий қайси адабий муҳит вакили?
2. У лириканинг қайси жанрларида ижод қилган?
3. Камий миллат равнақини қандай тасаввур қилади?
4. ғарб маданиятига Камийнинг муносабати.
5. Камий шоир сифатида қандай ижодкор?
6. қўқон мухториятига Камийнинг муносабати?
7. Шоир Камийнинг ижодий рақиблари кимлар?
8. Шоирнинг қаламкаш дўстлари ҳақида гапиринг.

Адабиётлар.

1. Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз. Тўплам. Т. 1998 й.
2. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.

Мавзу: Махмудхўжа Бехбудий ижодий фаолияти.

(2 соат)

Режа:

1. Бехбудийнинг ҳаёт йўли
2. Бехбудий юксак шариат мақомларининг эгаси.
3. Бехбудий янги мактаблар ташкилотчиси.
4. Бехбудий-дунё кўрган олим.
5. Бехбудий ёзган мактаб дарсликлари.
6. Бехбудий ва театр.
7. Бехбудий ва матбуот.
8. Бехбудий маърифатдан сиёсатга.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг етакчисидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида XX асрнинг 20-йилларда маҳаллий матбуотда С.Айний, Хожи Муин, Лазиз Азиззода каби замондошлари томонидан қатор мақола ва хотиралар эълон қилинган. Кейинги йилларда, хусусан, мустақилликка эришилгандан сўнг жадидлар фаолиятини ўрганишга қизиқиш кучайиши билан Бехбудий ҳам қайта кашф этила бошланди. Таржимаи ҳолини ёритишда Хожи Муиннинг 1922-23 йилларда ўзи муҳаррирлик қилган «Меҳнаткашлар товуши» (1922), «Зарафшон» (1923) газеталарида чоп этган мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Хожи Муиннинг ёзишича, маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келган. Отаси Бехбудхўжа Солиқхўжа ўғли туркистонлик, Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томониданбоси Ниёзхўжа Урганчилик бўлиб, амир Шохмурод замонида (1780-85) Самарқандга келиб қолган. Имом – хатиблик билан машғул бўлган отаси Бехбудхўжа 1894 йили вафот этади. Маҳмудхўжа ёшлигидан тоғаси, қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбиясида бўлади. Араб сарфу наҳвини кичик тоғаси Одилдан ўрганайди. 18 ёшидан қозихонада мирзалик қила бошлайди. Дарвоқе, Бехбудий Самарқанд, Бухоро мадрасаларида анъанавий мадраса илмларини пухта эгаллаганлиги 1915 йилда этнограф Г.Андреев саволларига берган – жавоб шарҳларидан билиниб туради. (Туркес. Ведомости. 1915.17.сен). Кўп қиррали олим катта диний ва дунёвий билимлар соҳиби Бехбудий шариатининг юксак мақомлари-қози, муфти даражасигача кўтарилади. 1899-1900 йиллари Бехбудий Бухоролик дўсти Хожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. «1318 санаи ҳижрияда тавофи Байтуллоға Кавказ йўли ила Истамбул ва Миср ал-қоҳира воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим 8 ойдан зиёда чўзулиб эди»-деб ёзади ўзи. «Ойна» ж. 1914 й. 31 сониди. Олимнинг дунё кезиши, кузатиши изсиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббуси билан 1903 йилда Самарқанд яқинидаги Ҳалвойи (С.Сиддиқий), Ражабалик (А.Шакурий) қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу усули савтия мактаблари учун дарсликлар тузишга киришади. Унинг кетма-кет 1904 йили «Рисолаи асбоби савод», 1905 йили «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Рисолаи жуғрофияи Русий», 1908 йили «Китобат-ул атфол», «Амалиётги ислом», 1909 йили «Тарихи ислом» каби китоблари нашр этилади. Маҳмудхўжа 1903-1904 йилларда Москва, Петербургга бориб келади. 1906 йилда қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас хизмат сафари эди. У Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августиди Россия мусулмонларининг турмуш маданияти муаммоларига бағишланган қурултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди.

Муаммо:

Туркистон халқлари турмушини кўтариш учун усули савтия мактаблар очиш, янги дарсликлар ёзиш, Россиянинг мурказий шаҳарларида Туркистон халқининг маданий савиясини ошириш бўйича қилинган маърузалар камлик қилаётган эди. Энди нима қилиш керак?

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмайди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётдан огоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўзининг қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. «Падаркуш» шу тариха майдонга келди. Бироқ унинг дунё кўриши осон кечмади. Бунга сабаб: биринчидан, чор ҳукумати мустамлака Туркистонининг маърифат йўлига кириб, ўз ҳукукини танишидан манфаатдор эмас эди; 1916 йилдаги Туркистон генерал губернатори Н.Р.Куропаткиннинг ўз кундалигида ёзган «Биз тубжой халқни тараққиётдан, мактабдан, рус ҳаётдан 50 йил ортда тутдик»- деган сўзларини эслаш кифоя. Иккинчидан турғунлик ва тутқунлик туфайли авж олган жаҳолат, мутаассиблик «Кимики саҳнада кўрсанг они жасорати бу», деб ёзган эди шоир Тавалло. 1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқди. Китоб жилдидаги «Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади»-деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг руҳсати билан чоп этилиши, иш осон кўчмаганидан далолат. «Падаркуш»-ўзбек драмачилигининг биринчи намунасидир. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берганбир асар сифатида баҳолаганлар. Муаллиф «Миллий фожеа» деб атаган, 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик, ўқимаган боланинг бузуқ йўлга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилади.

1913 йилдан Бехбудий матбуот ишлари билан шуғулланади. Апрельдан «Самарқанд» газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танглик туфайли чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг 20 августидан у «Ойна» журналинини чиқара бошлаган. Бу безакли ҳафталик журнал асосан ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеърлар, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб турилган. Бу ҳақда Зиё Саид «Бошда ҳафтада бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир қатла чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди... Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Хиндистон ва Туркиягача тарқалар эди... Жадидларнинг севиқли журнали эди»-деб ёзган.

Бехбудий шу йиллари нашр ишлари билан ҳам қизкин шуғулланади. «Нашриёти Бехбудия» номи билан ўз хусусий нашриётини очди. Фитратнинг «Баёноти саёҳи хинди» асарини 1913 йила русчага таржима қилдириб, нашр этди. Туркистон харитасини тузиб босмадан чиқарди. Кутубхоначиликни бошлади. Ўша давр вақтли матбуотида «Бехбудия кутубхонаси» ҳақидаги хабарлар тез-тез босилади.

Бехбудий ўз даврининг забардаст сиёсатчиси ҳам бўлган. У ўз даврининг идора усуллари ҳақида фикр юритар экан. «Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди», - бу Бехбудий келтирган биринчи сиёсий хулоса эди. қўкон мухториятини қонга белаганликларидан қаттиқ ғазабланган. Бехбудий Тошкентга бориб Совет Туркистони раҳбарияти билан олиб борилган музокаралари бесамар бўлади. Орзулари пучга чикқан Бехбудийни 1919 йилнинг 25 мартада Шахрисабзда қўлга олиниб, сирли ҳолда қарши шаҳрида қатл қилинади. Унинг қатли ҳақидаги маълумот бир йилдан кейин эълон қилинади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Ўнлаб марсиялар ёзилади. Фитратнинг бир шеъри «Бехбудийнинг сағанасини изладим» деб аталади.

қарши шаҳри 1926-37 йилларда 11 йил Бехбудий номи билан юритилди. Адиб номининг абадийлаштирилиши шунчаки бир ниқоб эди. У 1926 йилдаёқ Бехбудий мансуб бўлган жадидчиликни аксилинқилобий, аксилшўравий ҳаракат сифатида коралаш компанияси бошлаб юборилган эди.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Бехбудийнинг ота авлодини биласизми?
2. Бехбудийнинг онаси қаерлик?
3. Бехбудийга араб грамматикасини ким ўргатган?
4. Бехбудий қайси ўқув юртларида таҳсил олган?
5. Бехбудий ёзган дарсликларни сананг.
6. Бехбудий ёзган дарсликларни тавсифланг.
7. Бехбудий Русиянинг қайси шаҳарларига борган, нима учун?
8. Бехбудий Шарқнинг қайси шаҳарларини бориб кўрган?
9. Бехбудийнинг ноширлик фаолияти ҳақида гапиринг.
10. Бехбудийнинг сиёсий фаолияти ҳақида гапиринг.

Адабиётлар.

1. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.

2. А.Ҳошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т. 1996 й.

Мавзу: Абдулла Авлоний ижодий фаолияти.

(2 соат)

1. А.Авлоний янги даврнинг янги зиёлиси.
2. А.Авлоний ҳаёти ва ижодий фаолияти.
3. А.Авлоний – жаҳид ўқитувчи.
4. А.Авлоний янги маданият тараққиёти жонкуяр ташкилотчиси.
5. А.Авлоний – ношир.
6. А.Авлоний дарслик ва мажмуалари.

Абдулла Авлоний 1878 йилнинг 12 июлида Тошкентнинг мерганча маҳалласида майда савдогар Миравлон оиласида туғилган. Абдулла ўқчи маҳалласидаги эски усул мактабида, кейин шу ердаги мадрасада таҳсил кўрган. Сўнг Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасида ўқиган. Аммо бу ердаги ўқишини ниҳоясига етказа олмайди. Тирикчилик учун мардикорлик билан шуғулланишига тўғри келади. Адабиётга бўлган ҳавас унда шу йиллари уйғонади. 1900 йили уйланади. 1904 йили Абдулла Мирободда усули жаҳид мактабини очади. 1907 йилда ўз ховлисида «Шухрат» газетасини ҳам чиқара бошлайди. Бироқ газета 10 та сони чиққач, цензура томонидан тўхталиб, таҳририят асбоб-анжомлари, қоғозлари мусодара қилинади.

Лекин Авлоний бўш келмайди. А.Бектемиров номига рухсат олиб «Осиё» номли газета чиқара бошлайди. Бу ўзбек миллий матбуотининг дастлабки намуналаридандир.

Авлоний 1904-05 йилларда ҳам ижодий, ҳам амалий педагогик иш билан қизғин шуғулланади. У ўз шеърларини «Ҳижрон» таҳаллуси билан эълон қилади. Мақолаларини эса «Мулла Абдулла», «Авлоний», «Абдулла Авлоний» имзолари билан бостирди. 1909 йилда «Жамияти ҳайрия» очади ва маҳаллий халқ болаларининг ўқиб билим олишлари учун пул йиғиб, мактабларга таркатади. 1913 йилнинг охирида тошкентлик жаҳид – тараққийпарварларнинг ташаббуси билан «Турон» жамияти тузилди. Унинг ҳам муассисларидан бири Авлоний эди. Жамият қошида театр труппаси ташкил этилди. Абдулла Авлоний труппаси сахналаштирган биринчи асар Бехбудийнинг «Падаркуши» бўлди.

1914-15 йилларда адвокат Убайдулла Хўжаев билан «Садойи Туркистон» газетасида ҳамкорлик қилади. Газетадаги шеър ва мақолаларнинг аксарияти А.Авлоний қаламига мансуб. Бу ҳол унинг таҳририятдаги мавқеи анча бўлганини кўрсатади. Шунингдек А.Авлоний ўз труппаси учун «Адвокатлик осонми?!», «Пинак», «Биз ва Сиз», «Икки севги», «Португалия инқилоби» каби драмаларни ёзиб берди. «қотили Карима», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Ҳиёнаткор оиласи», «Бадбахт келин», «Хур-хур»,

«Жаҳолат», «Ўликлар» сингари сахна асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилиб берди. А.Авлоний 1917 йилда «Ўқитувчилар уюшмаси»ни тузади, ерли халқлар орасидан биринчи бўлиб, унга раҳбарлик қилади. У янги мактаблар учун янги дарсликлар жуда зарурлигини билади. Шунинг учун ҳам адибнинг 1909-17 йиллар давомида махсус мактаб болалари учун ёзилган ўндан ортиқ китоби майдонга келган. Унинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» сингари дарсликлари, «Адабиёт ёхудмиллий шеърлар» тўплами бир неча бор қайта-қайта нашр этилди. Туркистоннинг жуда кўп янги усул мактаблари учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. «Биринчи муаллим» 1917 йилга қадар 4 марта нашр этилган бўлса, «Иккинчи муаллим» юқоридаги китобнинг бевосита давоми, «Алифбодан сўнг ўқитмоқ учун» ёзилган, «ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган». 1913 йилда Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари босилган. 1917 йилгача уч марта нашр қилинган. Китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига дарслик сифатида ёзилган. Асримиз бошларидаги ўзбек жадид маърифатчилигининг ноёб ходисаларидан бўлган бу асарнинг аҳамияти фақат мактаб доираси билан чекланмаган. У адабиёт ва ахлоқ ихлосмандлари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилган. «Мактаб гулистони» (1916) тўпламига киритилган шеърларда шоирнинг фикрлари давом этганини кўрамиз:

Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдур,

Ҳар ким сенинг қадринг билмас-ақли пастдур,- деб бошланар эди ундаги «Ватан» шеъри. «Ҳижрон сўзи» шеърида эсаона юртнинг кўркам, бой ва улуғвор манзараси чизилади.

Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,

Банго на ғам қолур, авлодима ўю ватаним.

ғубора дўнса таним, йўқ вужуди зери ваҳм,

Чораки, ўз ватаним хокидур гўру кафаним.

Муаммо:

Сиз нима деб ўйлайсиз, Авлоний қолаверса бошқа зиёлилар ҳам бошларини гоҳ маорифга, гоҳ янгича руҳдаги шеърларга, гоҳ театр ташкил қилишга, гоҳ илгари ҳеч ким қўл узмаган спектакллар ёзишга уринмоқдалар. Уларни нима бунчалик қуйиб – пишишига мажбур қилган?

Ҳассос шоир ватан билан гўзалликни уйғунликда кўради. Унингча ҳар жиҳатдан мукамал дилбаргина гўзалликда мумтоздир.

Ким изоҳ қилибди хусн нимаси:

Келишган кўкракми, хушбичим қомат?
Ё шаҳло кўзларми? Лекин гоҳо биз,
Буларнинг ҳеч бирин хусн демаймиз.
Сўз билмас лабларни мумкинмас севмак;
Оташсиз ногоҳ у – хидсиз бир чечак!

Авлоний сўзнинг кадр - қимматини белгилашдаги ролига умуминсоний қарашлардан келиб чиқиб баҳо беради. Тил ва сўз одоби ҳақидаги мумтоз фикрларни давом эттиради.

Адибни ҳалқнинг ночор, ғариб турмуши гуруҳ ўйга солади:
Ҳар кун ўлурам шомғача ман ғамга гирифтор,
Ҳар шаб ёнурам оташа парвона каби зор
Ҳеч кимса эмас бу мани аҳволима воқиф,
Ман хастаму миллатими ўлмиш нега бемор?

Шоир ҳар бир ахлоқий тушунчани талқин қилар экан, уни бевосита ўз даври масалалари билан боғлайди. Асарга замон дардини, нафасини олиб киришга мофик бўлади. Масалан алвонийнинг «Гулистон» да «Тарбиянинг замони» деган қисм бор. Унда тарбиянинг уйда, сўнгроқ мактаб-мадрасада олиб борилиши ҳақида гап кетар экан, бундай ишгаиймонсиз халқнинг оғир моддий тирикчилиги ачиниш билан қайд қилинган «Мақсади пул, маслаги шухрат юқори мактабларда ўқимаган, «Усули таълим» кўрмаган муаллимлар»,

«Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари бимтихон, ислоқ яқинидан ўтмаган мударислар» ўткир хажв остига олинади. Алвоний «1894 йилдан бошлаб шер ёзишга тутунган» бўлса-да, у шерлари бизгача етиб келмаган, унинг 1917 йилгача бўлган поэтик мероси, асосан «Адабиёт» номли олти қисмдан иборат шеърий тўпламларида жамланган. Бу тўпламлардаги шеърларнинг аксарияти миллий-ижтимоий характердадир, мисралар шиорнома, деярли ҳамма ўринда дават, чақириқ руҳи ҳукимрон:

Аё э соҳиби урфон; Ватан боғинда фарёд эт,
Отиб ташла ародан эски одатларни барбод эт.
Маориф-ла фунун тахсила қил раҳнамолиғ сан,
қоронғуда қолган миллатни нур ила иршод эт,
Ватан меҳри агар бўлса-дилигда ишқ савдоси,
Отил нури маорифга ўзгани мисли Фарҳод эт!

Миллатнинг равнақигина эмас, яшаш учун ҳам илим керак, у мудроқдан уйғонмоғи лозим бу шоир истаги.

Кўзинг оч, ётма ғафлатдан усон, миллат, усон миллат!

Топарсан бирла авлодинг омон, миллат, омон миллат!-деб хайкиради.

А.Авлоний октябрдан кейин матбуотда бир оз камнамо булганидек кўринсада, адабиётдан чиқиб кетмади. Араб, Форс, Рус тилларини яхшигина билган Алвоний 20-йилларда самарали илмий ишлар билан банд бўлди. 1930 йилда САГУ педагогика факультетининг тил билими кафедраси бўйича профессор, сўнг мудир бўлиб ишлаган, 1933 йил VII синфлар учун хрестоматия тузиб нашр этади. А.Авлонийга 1925 йил «Меҳнат қаҳрамони» 1930 йил эса «Ўзбекистон маорифи зарбдори» унвонлари берилган. У 1934 йил 25 августда вафот этган.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Авлоний бошланғич таълимни қайси услубдаги мактабда олган?
2. Авлоний қандай оилада тарбияланган?
3. Авлоний дастлаб қандай меҳнат билан шуғулланган?
4. Авлоний дастлаб қайси номда газета чиқарган?
5. Авлоний қайси мамлакатда бўлган?
6. Авлонийнинг адабий таҳаллусини биласизми?
7. Авлоний тузган «Жамияти хайрия» нинг вазифаси нима эди?
8. Авлоний режиссёр сифатида биринчи қўйган спектакли қайси?

Адабиётлар.

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлари I-II том. Т. 1998 й.
2. К Хошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи . Т. 1996 й.
3. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.

Мавзу: Тавалло – тараққийпарвар шоир.

(2 соат)

Шоир Таваллонинг исми шарифи Тўлаган Хўжамёров бўлиб, XX аср бошларида Тошкент адабий муҳитида етишган, халқ ўртасида катта шуҳрат қозонган шоирлардан бири.

Тўлаган 1883 йилда, Кўкча даҳасида Оби Назир маҳалласида ўзига тўқ Хўжамёр Жиянбоев оиласида туғилган. Эски мактабда савод чиқарган. Рус - тузем мактабида ва «Бекларбеги» мадрасасида таҳсил олган. Отаси Хўжамёрнинг тижорат юзасидан Авлиё

ота ва Прежевальск шаҳарлари билан яқин алоқаси бор эди. 1900 йилда Тўлаган отасининг маслахати билан Прежевальск шахрига бориб, савдогар Усмонбек Солиҳжонбоев офисида иш юритувчи (приказчик) бўлиб ишлай бошлайди. 1909 йили Хўжамёр қазо қилгач, Тўлаган Тошкентга қайтиб, шаҳар савдо ширкатида иш юритувчи бўлиб фаолиятини эттиради. Зухра исмли қизга уйланади. Икки ўғил, икки қиз кўради. XX асрнинг 10-йилларидан бошлаб у «Тавалло» (дўст тутиш, ёлвориш) таҳаллуси билан матбуотда кўрина бошлайди. 1914 йил 30 августда Мунаввар қори, А.Авлоний, Хусанхўжа Дадахўжа ўғли (С.Ахмаднинг отаси) жами 12 бирлашиб Тошкентда «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўядилар. 1915 йилдан Авлонийлар ташаббуси билан тузилган «Турон» жамиятида ҳам ишлаб ҳам туради. Аммо ота касби савдо ишларидан ҳам узилиб қолмайди. Шоирнинг «Жиноий иши» да сақланган меҳнат дафтарчасидан маълум бўладики, у шу йиллари ижодий соҳадан бошқа ҳамма ишлар билан шуғулланади. 1937 йил 14 августда Тавалло «Аксилинқилобий», «Турон», «Шўро ислом», «Ижтиҳодий тараққиёти», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиклол» ташкилотларининг аъзоси, «Миллионернинг ўғли» «шеърларида миллатчилик ғояларини илгари сурган» ликда айбланиб қамоққа олинган. Таваллонинг тергов ишлари тезлашиб кетади. Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари муовини Леонов имзолаган «Айблов хулоса»си 1937 йил 9 сентябрда 25 кунда тайёр бўлган. Унда Таваллонинг 1919 йилдагиОсипов кўзғолонига «қатнашгани» гача «тасдиқлашиб» олинган ва бир қатор «айб» лар билан учлик хукмига хавола этилган. ўша йилнинг 19 октябрида НКВД қошидаги учлик мажлисида Таваллони отиб ўлдиришга хукм қилинади. Хукм ўша йилнинг 10 ноябрида ижро этилади. У 1968 йилнинг 18 октябрида оқланган.

Таваллонинг Бухорога тушган катта қизи Раҳбар Расулованинг (унинг Санобар исмли синглиси, Маҳмуд, Маҳсуд исмли укалари бўлган) ДХК идораларига ёзган хатлари мазмунидан англашилишича бу йилга келиб шоир оиласида ундан бошқа ҳеч ким қолмаган. Тавалло асарларнинг қайта нашри ва у ҳақдаги маълумотларнинг берилиши ҳам 1968 йилга тўғри келади. Марҳум М.Зоҳирий ва атоқли адабиётшунос танқидчи О.Шарафитдиновларнинг ташаббуси билан дунёга келган ва зарарли китоб сифатида дарҳол йиғиштириб олинган «Тирик сатрлар»даги шоир ижодидан намуналар бу борадаги дастлабки қадамлардан эди. Унинг ягона шеърый тўплами «Равнақ ул ислом» алоҳида ҳолда 1993 йилдагина нашр қилинди.

Муаммо:

Тавалло ижодида, замонасида рўй бераётган яъни Ўзбекистонга кириб келаётган фан ва техник янгиликлар, халқ турмушида содир бўлаётган маданий янгиликлар қай

холда ўз ифодасини топган? Умуман Тавалло шеъри қайси масалалар юзасидан баҳс юритади?

Таваллонинг ижодкор сифатида шаклланишида Тошкент адабий муҳитининг ўрни катта. Унга Сайрамлик шоир Юсуф Сарёмий устозлик қилган. Тавалло таҳаллусини ҳам устози Сарёмий берган. Таваллонинг шеър ва мақолалари 10-йиллардан матбуотда кўринади. Шоирнинг 1916 йилда «Равнақул ислом» номи билан чоп этилган шеърий тўплами унинг ҳаётлик даврида босилган биттаю-битта китобидир. Мақолалари тўпланган эмас. 20-йилларда «Муштум» ҳажвий журналининг фаолларидан бири бўлган. Унинг журнал саҳифаларида «Мағзава» имзоси билан ўнлаб ҳажвий шеърлари, кўплаб танқидий мақолалари чоп этилган, улар ҳам йиғиб ўрганилмаган.

Шоир ижодини баҳолашда асосий манба «Равнақ ул-ислом» бўлиб турибди. Ундаги шеърлар туркчилик, исломчилик руҳида. Вазн ва оҳанг анъанавий-арузда. Бирок мазмун тамоман янги туркистонни қоплаган жаҳолат ва нодонлик, тутқунлик ва турғунлик ҳақида. Унинг ҳам бошқа ривожланган, тараққий топган миллатлар қаторида фаровон ва бахтли яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқи тўғрисида.

Шоир замон ҳодисаларидан таъсирланади, илҳом олади. Шунинг учун унинг шеърлари асосан ҳаётдаги конкрет воқеалар асосида

Десам, дунёда биздек ортда қолгон борму миллатдан,
Бу Туркистон элидин топмадим иқрор, йўқ, йўқ, йўқ.

Шоир шеърларидан яна бири «Ўз виждон вужудима хитоб» деб номланган. Муҳаммас шаклида ёзилган ушбу шеърнинг ҳар банди «Чиқ ичимдин, жоним эй сен менга ҳамдамлашмасанг», мисраси билан яқунланади. Жонга хитоб ҳар банднинг яқунловчиси бўлганлигидан унғача шоир ўз вужудининг ҳар бир аъзосига шарт қўйиб чиқади. Бу шартлар Ватан ва миллат манфаати йўлидаги хизматларга қаратилгандир. Чунончи, миллатга ёрдамлашмаган, унинг оғирини енгил қилмаган кўлнинг «Пул тутиш» ига ҳаққи йўқ, миллат ғамини емаган дил «хушнуд» бўлмаслиги керак ва хоказо.

Эй кўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,
Бўлма хушнуд эй дилим, миллат ғамини ғамлашмасанг,
Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўкиб намлашмасанг,
Фикрим, очилма, агар шеъринг ёзиб, хамлашмасанг,
Чиқ ичимдин, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.
Дейдилар, бас қил Тавалло шеърлар манзур эмас,
Миллатинг макв ўлса, парво қилмаюрлар, ғам емас,
Кунларинг шурбо-палов, норин ебон, чой ичса бас,

Сўнгра икки елкасига тепсалар ҳам индамас,
Чик ичимдин, жоним, эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Шеър мазмун оҳангда яқунланмоқда, бу умидсизлик натижасизлик оҳанги. Асорат ва залолат ўз ишини қилган, миллат Авлоний айтганидай тирик мурда яъни мақфун зиндага айланган, шаън-шукух, ор-номус ўзликдан нишон қолмаган. Шоир миллатнинг очик кўзли фарзанди сифатида фожеага чидай олмай амалдаги тузумга қарши исён кўтармоқда.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Тавалло шеърларидан намуна айтинг.
2. Тавалло қайси муҳит шоири?
3. Таваллонинг замондош устозлари кимлар?
4. Тавалло қачон қаерда туғилган?
5. Таваллонинг китобларини айтинг.
6. Тавалло қандай оиладан чиққан?
7. Таваллога таҳаллусни ким берган?

Адабиётлар

1. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти. Т. 2004 й.
2. Тавалло. «Равнақул ислом». Т. 1993 й.

Мавзу: Мухаммадшариф Сўфизода-гараққийпарвар шоир.

(2 соат)

Режа

1. Сўфизода Ўзбекистон халқ шоири;
2. Сўфизода ҳақида замондошлари;
3. Сўфизоданинг ҳаёт йўли;
4. Сўфизода ўқитувчи;
5. Сўфизода ҳақгўй, тиксўз шоир;
6. Ҳақсўз учун бадарға қилинган шоир;

1926 йилда Ўзбекистон ҳукумати ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида тақдирлаб, адабиётимизнинг икки забардаст вакилига юксак фахрий унвон берган эди. Буларнинг бири Ҳамза, иккинчиси Сўфизода эди.

Ўзбекистон ижтимоий шўролар жумҳурияси 1926 йил 27 феврал 35-сон фармони билан Ҳамзага «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», Сўфизодага «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонини берди. Дарҳақиқат, Сўфизода XX бошларидаги ижтимоий фаолияти билан халқимизнинг миллий ва ижтимоий уйғонишига салмоқли ҳисса қўшган, 20-йиллардаги шеърлари билан эса янги ўзбек поэзиясини яратишда самарали хизмат қилган шоирларимиздандир. Айнипайитда, у маърифатпарвар мураббий сифатида ҳам маориф ва маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга.

У 10-йиллардаёқ янги усулдаги мактаб очиб болаларга дарс берган, илм-маърифатни кенг халқ орасига ёйишга жонбозлик кўрсатган кишилардан эди. Бинобарин, Сўфизода ҳақида гап кетганда унинг истеъдоди ва фаолиятига хос бўлган мана шу икки жихатни-ижодкорлиги ва мураббийлигини таъкидлаш лозим. У худди мана шу жихатлари билан XIX асрнинг охири XX аср бошидаги ўзбек маданиятини Бехбудий, А.Авлоний ва Ҳамза каби вакиллари билан бир сафда туради.

Сўфизода шеърларидан намуналар 20-30-йиллардаёқ мактаб дарсликларига киритилган. А.Авлоний 1933 йилда нашр эттирган ўрта мактабларнинг VII синфи учун тузган «Адабиёт хрестоматияси» да Сўфизода ижодига махсус жой ажратган. Лутфулла Олимий 1925 йилда Сўфизода ҳақида мақола ёзган бўлса, 1934 йилда Миён Бузрук Солихов «Сўфизода ва унинг ижоди» деган китоб нашр этилган. 1935 йилнинг 29 январида Сўфизоданинг 55 ёшга тўлиши муносабати билан юбилей ўтказилган ва 200 дан ортиқ шеъри нашр этиш учун тўпланган эди. Бироқ бу китоб нашри шоирга насиб этмади. Шоир қатағон қурбони бўлди.

М. Сўфизода 1880 йили Чустда хунарманд оиласида туғилган. Отаси Эгамберди Сўфи пичоқчилик билан шуғулланган экан. Онаси Зайнаб ҳоланинг ҳаракатлари эвазига Муҳаммадшариф ён қўшнисини Манзура отин қўлида савод чиқарган, сўнг маҳалласидаги эски мактабда таълим олади. Шоирни шеърятга ошна қилган нарса Манзура отининг шеърни ҳушовоз оҳангда қироат қилиши бўлган. Сўфизода адабиёт даргоҳига Муқимий, Фурқат, Завқийларга эргашиб ёзган «ғуборий дарду алам», «Ўпай» каби лирик ғазаллари, «Даканинг», «Бедананг» каби ҳажвиялари, маърифат ҳақидаги қатор шеърлари билан кириб келган. У 1893-98 йилларда кўконда яшаб Муқимий даврасидан баҳраманд бўлиши шоир дунёқарашининг шаклланишида, бадиий маҳоратининг ўсишида ўзига хос мактаб вазифасини бажарди. қисқа муддат ичида оддий пичоқчи Эгамберди Сўфининг ўғли Муҳаммадшариф «Ваҳший», «Сўфизода» таҳаллуслари билан бутун Фарғона водийсида

шуҳрат топди. Лекин унинг мутаассиб диндорларни, ватанфурушларни шарманда қилувчи заҳарли ҳажвиялари шоир бошига катта ташвишлик келди.

Муаммо:

Сўфизодани ватандан кимлар бадарғақилганлар? қайси айиблари учун? Унинг зиммасига қандай айбловлар қўйилган? У қай мамлакатларда бўлган, нима ишлар билан шуғулланган? Сўфизода ижодини биз бугун нима учун ўрганамиз?

Мутаассиб диндорлар уни «Беадаб», «Дахрий» деб эълон қилдилар, ҳаётига суиқаст уюштира бошладилар. Шоир жонини сақлаш учун қочишга мажбур бўлди. Натижада 1900-1913 йилларда она диёридан узоқда дарбадар ҳаёт кечиришга мажбур бўлади. Ниҳоят 1913 йилнинг охирида Чустга қайтиб янги усулдаги мактаб очиб ўқитувчилик билан шуғулланади. Ижодини тўхтатмайди. Фарғона водийсида истеъдодли шоир сифатида танилган Сўфизоданинг ҳар бир шеърини сиёҳи қуримасданоқ халқ тилида ёд бўлгани маълум бўлар эди. Бу даврда айниқса унинг икки шеъри шов-шувга айланиб кетади. Буларнинг биринчиси «Чуст баёнларининг бир чойхонада мақтанишлари», ва иккинчиси, «Чуст қозиси Аббосхон хожи Муҳаммад ўғлига жавоб» деб номланган шеърларидир. Биринчи шеърда Чустлик бир тўда улфатлар гапхонада ўтиришиб ўз қилган ишлари билан мақтанишлари орқали ўзларини ўзлари фаш қилиб қўйишлари кўрсатилган.

Муаллимки қувиб, мактабни ёнган чустилар-бизлар,
Бириб пора, приставларни топган чустилар-бизлар.
Шаҳарга қўймадик поездни, келсун, кун кўрсун,
Ажаб мўминсифат, эски мусулмон чустилар-бизлар.

Бошдан охиригача ўткир киноя, қочириқларга тўла бўлган бу шеър Сўфизода мактабининг тасдиқлаб турибди.

Иккинчи шеър Аббосхон хожига жавоб шаклида ёзилган:

Тилингни сақла, бадгўйликка одат қилма, эй аблаҳ,
На билдинг, модарим дарвешалардан ёки ғардандур.

Шеърдан англашиладики, Сўфизода биргина «Усули жаид» муаллими эмас аввало тиксўз ҳақиқатпараст шоир бўлгани учун ҳукмрон доира кишиларига ёқмаган.

Шунинг учун уни «беадаб» ликда, «бадаслик» да айблаш давом этган.

Ман тўғри сўзумни деяман халқи Худоға,
қалқон шу бошим миллат учун тири жафоға.
қалб (сохта) ишни қўюнг, деб яна қолдимму балоға,
Хеч йўқ тамаъим, хозир ўзум чуну чароға (ғиди-биди)

қувди мени жохиллар ўшандоқ Ватанимдан,
Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдан.

Кўриниб турибдики, уни яна бадарға қилишганлар. Шоир бир муддат Хиндистонда ўқитувчилик қилган, кейин Афғонистонда ишини давом эттирган. Афғонистон амири Ҳабибуллоҳон назарига тушган. Унинг ўғли Омонуллоҳон тахтга ўтиргач, маориф вазирлигига хизматга қўяди.

1919 йилда Афғонистон делегацияси таркибида ўз юртига келади. Афғон давлат арбоблари қаторида ўлкага келган шоир, афғон ҳукуматининг Тошкентдаги вакилидан ижозат олиб ўз юртида қолади. Чустга келиб маориф ширкати тузган. Бироқ у кўп ўтмай она юртининг озодлиги хом хаёл эканлигини англаб етган. 1924 йилда Сўфизода:

Эй ҳақиқат, қани сен, биз яна бўлдик хуржун,
қайда қолди фуқаро раҳбари?! Янги қонун?!
Ўлтириб хум бошиға, бўлди бўёқчи маймун.
Олди «Партийни» бўлиб кўп киши икки хотун.
«Женотдел» даги хом носиха-биби отин
Омининг топқонини олғоли мулло мойил.
Аъламу муфти фақат қарға-у, қози-қузғун,
Мухтасиб-эски кафан ўғриси, абжақ-охун.
Камбағал яктагини ювғалитопмас собун,
Ўлди косиб очидан, аҳли тижорат-қорун.

Сўфизода 1937 йилда 57 ёшида шўролар қатағонига учраб, халок бўлган.

Ақлий ҳужум учун саволлар:

1. Сўфизода Шўролар ҳукуматининг қандай унвонига эга?
2. Сўфизода шеърлари мактаб дарсларига қайси йилларданок киритила бошланган?
3. «Сўфизода ва унинг ижоди» китобини ким ёзган?
4. Сўфизода қаерда туғилган?
5. Манзура отин Сўфизода учун ким?
6. Сўфизоданинг иккинчи таҳаллусини айтинг?
7. Кимлар Сўфизодани ватанидан бадарға қилган?

Адабиётлар

1. Сўфизода. Тароналар. Т. 1968 й.
2. Ўзбек совет адабиёти тарихи. I-том. Т.1968й. 319-бет.
3. Ўз.А.С. 1993 йил. 23 июль
4. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т. 2004 й.
5. Ибрat, Ажзий, Сўфизода. Танланган асарлар. Т. 1999 й.

Мавзу: Абдурауф Фитрат-илғор жадид ижодкори.

(2 соат)

Режа:

- 1.Фитрат-жадид;
- 2.Фитрат ижодини ўрганиш;
- 3.Фитратнинг ҳаёти ва ижоди;
- 4.Фитрат янги замон пешқадами;
- 5.Фитрат олим-шоир ва драматург;
- 6.Фитрат ҳаётининг сўнгги йиллари.

Абдурауф Фитрат ижоди ва фаолияти яқин тарихимизнинг энг порлок саҳифаларидан бирини ташкил қилади. Унинг замонидан адабиётни жамиятга хизмат қилдириш билан шуғулланган ижодкорни топиш қийин бўлса-да, сўз иш бирлигини ҳеч ким у олиб чиққан мақомга кўтара олган эмас. У адабиёт ва маданиятнинггина эмас, сиёсатнинг ҳам тан олинган арбобларидан эди. У бутун умри давомида Она-Ватанини озод ва обод қилиш иштиёқ уни Ватан ва Миллат фидоийларидан ташкил топган «Ёш бухорийлар» жамиятини тузишга муваффақ этди. Сўнгроқ мустақил партия сифатида фаолият юритган ушбу жамиятнинг пировард мақсади қадамба-қадам бориб, истиқлолни қўлга киритиш ва ислохатлар ёрдамида мустақил демократик давлат қуришдан иборат эди. Фитрат Туркистон жадидчилик ҳаракатининг машҳур вакилларидан, янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан, тан олинган драматург, носир, шоир ва забардаст олимдир.

Абдурауф Фитрат 18886 йили Бухорода туғилган. Отаси Абдурахимбой савдогарлик ва саррофлик (пул алмаштирувчи) билан машғул бўлган. Абдурауф аввал эски усул мактабида кейин «Мирараб» мадрасасида ўқиган. У 1904 йилгача ўқишда бўлган, сўнг отаси билан бирга тижорат қилган, хажсафарида ҳам бўлган (Туркия, Эрон, Хиндистон, Арабистон). Шунингдек Москва, Петербург шаҳарларида бўлган. 1909 йил Истамбулга ўқишга боради. 1913 йилгача Дорулмуаллиминда ўқиган. Унинг «Мунозара» асари 1909 йили, «Сайҳа» шеърый тўплами 1911 йили, 1912 йили эса «Сайёҳи хинди» асарлари Истамбулда нашр этилган. бу ерда Фитрат ўқиш билан бирга бадий ижод ва

сиёсат билан қаттиқ шуғулланган. Фитрат (абодий табиат) 1913 йили Бухорога қайтиб, Шахрисабз ва Каркида янги мактаблар очади, қисқа вақтдан сўнг Бухоро жадиличилик ҳаракатининг етакчи вакиллари билан бирига айланади.

Муаммо:

Бухоро жадиждарининг мақсадлари маданий сиёсат ва маърифдаги ҳаракатлари, уларнинг сиёсий талаблари, маърифий иш усуллари қандай эди? Фитрат етакчилигидаги гуруҳнинг иш усули, мақсади қандай эди?

Фитрат етакчилигидаги сўл гуруҳ вакиллари омма маданий тараққиётини таъминлаш учун маърифий, адабий ва сиёсий ишларни кенг йўлга қўйишга киришади. Фитратнинг қарашлари «Раҳбари ножот» (1915), 1916 йилда «Оила», «Бегижон», «Мавлуди шариф» ва «Або Муслим» каби нашр этилган асарларида ўз аксини топган эди. Шунингдек у ўз ғояларини мактаб дарсликлари орқали халққа етказиш мақсадида 1915 йили «Мухтасар ислом тарихи», 1917 йили «Ўқув» (Боку) китобларини нашр эттиради. Фитрат 1917 йилги февраль инқилобининг яхши қаршилайди. Октябрни эса «большевиклар балоси» деб номлайди. Фитрат 1917 йили Тошкентга келади сиёсий фаолиятини, маърифий ишларини давом эттиради. Хадрада жадиждар мактабининг очиб ўқитувчилик қилади. Туркистон мусулмон дорулфунуни қошидаги дорилмуаллиминда тил ва адабиётдан дарс берган. Айни пайтда «Ўғузхон», «Чин севиш», «Хинд ихтилочилари» драматик асарларни, қўқон мухториятининг фожиали тугатилиши муносабати билан ёзилган, бир пардали «Темур сағанаси» асари ҳам шу даврада майдонга келган. У 1923 йилдан Москвадаги Шарқшунослик илмий тадқиқот институтида ишлади, айни пайтда Ленинград Давлат Университети Шарқ факультетида Шарқ халқлари тили, адабиёти ва маданиятидан маърузалар ўқиди, профессорликка сайланди. Айни пайтда 1924 йилда «Абулфайзхон» (Москва), «Шайтоннинг тангрига исёни», «Арислон» драмаси, «Бедил» илмий китоб, «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф, китоб, нақв 2 китоб (1925), «Сарфи забони тожик», «Адабиёт қоидалари» каби дарслик - қўлланмалари босилди. Фитрат 1927 йилда Ўзбекистонга қайтиб СамДУ да иш бошлади. Айни пайтда «Энг эски туркий адабиёт намуналари», матн, тадқиқот, изоҳлари билан, «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», «Форс шоири Умар Хайём», «Шарқ шахмати» сингари асарларни яратди. Алп Эр Тўнға марсиясидан Яссавийгача, Юсуф Хос Хожибдан, Турди, Машраб, Умархонгача, замондошлари Элбеку Чўлпонгача ёзди. 1926 йилда «Адабиёт қоидалари», 1936 йилда эса «Аруз ҳақида» китобларни нашр эттирди.

Фитратнинг миллат тараққиёти йўлида қилаётган катта ишлари ғоявий муқолиф-шўролар тузумининг вакиллари билан ёқмас эди. Шунинг учун 1929 йили «Шарқ ҳақиқати»

газетасининг ходими Ж.Бойбўлатов махсус топшириқ билан Фитратни «фош қилиш»га киришади. Ф.Хўжаев асраб қолади. 1937 йилда яна хуруж бошланади. Энди уни асрашнинг иложи бўлмайди. У 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдирилади.

Ақлий хужум учун саволлар.

1. Фитрат қандай оилада тарбияланган?
2. Фитрат қандай муҳитда вояга етган?
3. қандай сабабларга кўра Фитрат Тошкентга келди?
4. Фитрат қандай сабабларга кўра Москвага кетди?
5. Фитратнинг драматик асарларини шарҳланг.
6. Фитратнинг мактаб дарсликлари ҳақида гапиринг.
7. Фитрат илмий филологик асарлари ҳақида гапиринг.
8. Фитрат шеърларини шарҳланг.

Адабиётлар.

1. Б.қосимов. Излай-излай топганим. Т.1983 й.
2. И.ғаниев. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Т.1994й.
3. Ҳ.Болтабоев. Абдурауф Фитрат. Т. 1996 й.
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. I-II жилд. Т. 2000.
5. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.

Мавзу: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (4 соат)

Режа

- 1.Ҳамзанинг ижодий мероси ҳақида;
- 2.Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти;
- 3.Ҳамза-жадид, муаллим.
- 4.Ҳамза-шоир, тараққийпарвар арбоб;
- 5.Ҳамза-драматург;

6. Ҳамза-маърифий, маданий ишлар ташкилотчиси.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий-XX аср ўзбек адабиёти ва маданияти таракқиётига улкан ҳисса қўшган йирик намояндаларидан, шоир, педагог, драматург ва театр арбоби. У серқирра ижодкор сифатида бадиий адабиётнинг ҳамма турларида қалам тебратди, адабий ижод билан ўқитувчилик, режиссёрлик, мусиқа санъатини қўшиб олиб борди. Натижада ўлмас назмий ва сахна асарларини яратди. Девон, «Миллий ашуллар учун миллий шеърлар мажмуаси», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Майсаранинг иши» каби шеъррий тўплам ва драмалари мана шундай ижоднинг ёрқин намуналаридир. Ҳамза Туркистон ўлкасида жадиличлик ҳаракати шаклланаётган бир паллада бадиий ижодга кириб келди ва бу ҳаракатнинг бутун мазмунидан шаклу шамоилигача унинг бадиий ижодида ва амалий фаолиятида ўз ифодасини топди. Жаид педагоги сифатида усули савтия мактаблари очиб, улар учун дарслик ва мажмуалар яратди.

Ҳамза 1889 йил 6 мартда қўқонда зиёли – табиб Ибн Ямин Ниёз ўғли оиласида туғилган. Ибн Ямин ўзбек, араб, форс тилларида мукаммал саводли бўлиб, қўқон уламолари орасида катта эътиборга лойиқ табиб эди. Ҳамза дастлаб маҳалла мактабида, 1899–1906 йилларда қўқон мадрасаларида ўқиган, бир мунча вақт рус – тузем мактабида рус тилини ўрганган. Ҳамзанинг ижодий тақомилига «Шўро» журнали каби «Таржимон», «Вақт», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», номидаги газеталар ҳам кучли таъсир кўрсатган. Ҳамза 1910 йили Тошкентда, 1911 йили қўқонда усули жаид мактабларини очиб ўқитувчилик қилган. Бироқ Чор маъмурлари унинг мактабларини ёпиб қўяверади. 1912 йили у ҳаж сафарига чиқади. Афғонистон, Хиндистон, Туркия, Арабистон мамлакатларининг марказий шаҳарларида бўлади. Ҳамза қаерда бўлмасин, у ернинг таълим-тарбия, ўқув муссасалари билан танишади. У ҳаж сафаридан қайтгач, ижодга берилади. 1914 йилда дастлаб Марғилонда кейин қўқонда усули жаид мактаби очади. Бу ҳақда таржимаи ҳолида: 1914 йилнинг охирларида Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай Андрей исминдаги Скоблев маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди.. . Ундан яна Ҳўқанд келиб, йўқсил болалар учун пулсиз ўқиш мактаби очдим.. . ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин уезд начайлиги Мединский томонидан тинтув бўлиб ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмагани учун қамалмай қутулдим». Ҳамзабу даврда янги мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «қироат китоби» каби дарсликларни яратади.

Ҳамза ўз ижодини анъанавий лирик шеърлар ёзишдан бошлаган. У «Ниҳоний» (яширин, маҳфий) таҳаллусида ижод қилди. 1905-1914 йилларда ушбу таҳаллусда яратган шеърларини тўплаб, «Девони Ниҳоний»ни тузган. Девонга шоирнинг 177 шеъри киритилган бўлиб, улардан 150 таси ғазал, қолганлари маснавий, мураббаъ, муҳаммас,

мусаддас ва 1 та мактубдан ташкил топган: булардан 165 та шеър ўзбек тилида, 2 та шеър ўзбек ва рус тилида ширу-шакар жанрида ёзилган.

Шоир ижодида муҳим ўринни ажойиб шеърӣ гулдасталари – «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» эгаллайди. Бу умумий ном остидаги 7 шеърӣ тўпламга 1915-17 йилларда ёзилган шеърлари киритилган. Бу шеърӣ тўпламлар: «Атиргул», «Окгул», «қизилгул», «Пуштигул», «Сариқгул», «Яшилгул», «Сапсаргул». Уларда халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини уйғотиш, илм маърифатга даъват этиш ғояси етакчи эди:

Бу ниҳон қон йиғлаб миллат учун лайлу наҳор,
Ёз ўтуб, қиш келди ҳоло, бизга бўлган йўқ баҳор,
Сарсари боди жаҳолат қилмак истар тору мор,
Чора шул мактаб очайлик, шояд ўлсин сабззор,
Эй мусулмонлар, қачон бир дарда дармон истариз?
Миллата шавкат, тараққий шаъну даврон истариз?

Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»даги мазкур 7 тўпламга кирган шеърлари, матбуотда эълон қилинган шеър ва публицистик мақолалари, яратган драмалари, «Миллий роман» лари унинг жадидчилик ҳаракатининг бадиий адабиётдаги йирик намоёндаларидан бирига айланганлигини кўрсатади. Ҳамза «қулок ноталари ила эшитилиб келмиш миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун баъзи қабих шеърлар ўрнига» миллий руҳ, миллатнинг истиқлол ҳақидаги орзу-интилишларини ифодаловчи сўзлар билан бу халқ куйларини музайян қилиш, бу билан миллатни уйғотиш вазифасини ўз олдига қўйган. Ҳамза миллий истиқлол ғояларининг мусиқа, халқ қалбига тезроқ ва таъсирлироқ кириб бориши мумкинлигини яхши тушунган.

Шоирнинг биринчи жаҳон уруши арафасида халқ орасида машҳур бўлган «Лўм-лўм Мамажон» ашуласи оҳангида яратган. «Йиғла Туркистон» шеърини олиб кўрайлик.

Лўм-лўм, лум-лум Мамажон, Мамажон,
Истаконда чой ичган, лўм-лўм Мамажон.

Муаммо:

Ҳамза миллатни жаҳолат, истибдод ботқоғидан қутқариш учун қандай ижодий-маърифий ишларни амалга оширган. Шоир сифатида миллий тараққиётга элтувчи қайси шеърларни ёзган?

Ҳамза милатини жаҳолат, истибдод, илмсизлик туфайли фожеи аҳволга тушган Туркистонни йиғлашга даъват этади: сен шундай йиғлагинки, хатто «рухсиз танлар тебрансин», сени шундай аҳволга солган, ўзини зиллатга (тубанлик), хорликка ботган миллат уйғонсин! «Лўм-лўм Мамажон» ашуласидаги шўх оҳанг ўрнини қайғу ва унинг оҳангида миллатни илм-фанга даъват эгаллайди.

Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл қуронда фармон,
Маърифатсиз тонулмас, ахкоми имон,
Илмсизга айтилмас комил мусулмон,
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла Туркистон,
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла Туркистон.

Ҳамза 1928 йилнинг августида шўро ҳукуматининг топшириғига биноан Шохимардонга боради, у ерда мавжуд ҳукумат сиёсатини барқарор қилишда, рухонийларга қарши курашда фаол иштирок этади ва 1929 йил 18 март куни шу курашнинг қурбони бўлади.

Ақлий хужум учун саволлар:

1. Ҳамза қайси йил ҳаж сафариди бўлган?
2. Ҳамза қандай оилада туғилган?
3. Ҳамзанинг шеърий тўпламларини сананг.
4. Ҳамзанинг драматик асарларини сананг.
5. Ҳамза қайси йиллари партия аъзоси бўлиб турган?
6. Ҳамза қаерга дафн қилинган?

Адабиётлар.

1. Ҳамза. Асарлар. V томлик. I-V том. Т.1989 й.
2. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.
3. К.Ҳошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т. 1996 й.

Мавзу: Абдулла қодирий (2 соат)

Режа:

1. Ўзгаришлар давридаги янги адабиётлар;
2. А.қодирийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти;

3. А.қодирийнинг илк бадий ижоди;
4. А.қодирий – романнавис;
5. А.қодирий матонатли ижодкор.

XX аср халқимиз тарихида ўзлигини англаш, миллий уйғониш даври билан бошланди. Жадидчилик характери номи билан тарихга кирган бу жараён халқимиз маъновий ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олди, бадий адабиётда ҳам том маънода янгиланиш жараёни кечди. А.қодирий «Ўтган кунлар» романига ёзган кичик мақаддимасига ўша давр ижодкорларининг адабиётга қўйган талабларини тўла ифодалаган эди: «Биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳам ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунча ўқшаш дostonчилик, рўмончилик, ва хикоячиликларда ҳам янги янгиришга халқимизни шу замоннинг «Тохир-Зухро» лари», «Чор дарвеш» лари, «Фарход-Ширин» ва «Баҳромгўр» лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

Ўтган асирнинг 10-йилларида Бехбудийнинг «Падаркуш» драммаси, Фитратнинг «Мунозара» «Баёноти сайёҳи хинди» асарлари бадий адабиётда буюк ўзгариш ясаган эди. А.қодирий мана шунда бадий ижодда туб сифат ўзгаришлари кечаётган бир даврда адабиётга кириб келди.

А.қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкентда боғбон оиласида туғилган. Унинг отаси қодирий Муҳаммад тижорат билан, 1870 йиллардан умрининг охиригача Самарқанд дарвозага 0,5 га ортиқроқ (1300 саржин) боғда боғдорчилик билан оила тебратар эди. Абдулла ёшлигидан ўткир зеҳни, серфикрлиги билан ажралиб турган. Дастлаб у «эски усул» мактабида, кейин Абдулқайим мадрасасида, рус-тузем мактабида дурустгина ўқиган. 1912 йилдан савдогар Расулмуҳаммадбой қўлида иш юритувчиликдан мустақил фаолиятини бошлаган. Расулмуҳаммад ўз даврининг диёнатли зиёли бойларидан эди. Умуман Абдулланинг ёшлиги зиёли бойлар даврасида кечади. Бу ҳам унинг жадид мутафаккирлари, уларнинг «Садойи Туркистон», «Ойна», «Самарқанд», «Турон» каби газета ва журналлари билан алоқани мустаҳкамлашига олиб келган. 1914 йилда Абдулла Расулмуҳаммадбойнинг катта қизи Раҳбаройга уйланган. Улар икки ўғил, икки қиз кўрганлар.

А.қодирийнинг илк адабий фаолияти мана шу даврдан бошланади, бу ҳақида адабнинг ўзи: «Шу миёналарда бозор воситаси билан татарларда чиқадурғон газеталарни ўқуб, дунёда газета деган нарса борлиғига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Садойи Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлагач, менда шуларга гап ёзиб юбориш фикри уйғонди». Дарҳақиқат унинг «Янги масжид ва мактаб» номли илк мақоласи «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидида «Абдулла қодирий» имзоси билан эълон қилинган.

А.қодирий ижодкор сифатида ўз адабий фаолиятини шеърятдан бошлади. Унинг «Миллатимга», «Ахволимиз» каби шеърлари шу давр маҳсулидир. қодирий шеърларида Миллат ва Ватанга хизмат қилиш, уни ғафлат, жаҳолат уйқусидан уйғотишга даъват яққол кўзга ташланади. Уларда Авлоний, Ҳамза, Тавалло каби жаҳид шоирларига хос хусусиятлар ўз ифодасини топган.

Кўп бизинг ахволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,

Жойн келган чоғида виждонни аулга сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламоқ,

На Худони буйруғи бўлган ўлим ўргатамиз.

Коримиз шундан иборат бўлди ушбу чоғда,

Ўнтадан бедона боқиб ёзу қиш сайратамиз.

Ҳамда ҳар кун такаларда наша, кўкнори чакиб,

Баччага кокил солиб, оҳ-боҳ билан ўйнотамиз.

Келингиз, ёшлар, зиёлийлар, бу кун ғайрат қилинг,

Уҳлаганларни агар қодир эсак уйғотамиз.

Орадан кўп ўтмай, А.қодирийнинг «Бахтсиз киёв» драммаси, «Жувонбоз», «Улоқда» хикоялари нашр этилади. Ёзувчининг «Жувонбоз» хикояси ва «Бахтсиз киёв» драммаси Бехбудийнинг «Падарқуш» драммасининг бевосита таъсирида яратилган. Худди шу даврда яратилган «Улоқда» хикоясида ҳам аввалги асарларидаги каби жаҳид адабиётига хос мавзутарақиётга тўғаноқ бўлаётган эски урф-одатлар ва уларнинг қабиғида қолган оламон руҳияти қаламга олинган.

Муаммо:

А.қодирий ижодида жаҳидчиликнинг қайси кўриниши ўрин олган? Унинг ғарб илм-фани ва маданиятига муносабати ўз бадиий асарларида қандай ифодаланган? Шеъриятида Шарқий мумтоз адабиётнинг қандай ананалари кўринади?

А.қодирий 1917 йил февраль инқилобидан кейин халқ милициясида, 1918 йилдан С.қосимхўжаев раҳбарлик қилган Озиқ кўмитасида саркотиб ҳамда 1919 йилдан шу кўмита органи «Озиқ ишлар» газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Айни пайитда у «Инқилоб» ва «Камунист йўлдоши» журналларида маъсул котил, журналист-публицист сифатида фаолият кўрсатади. 1923 йилда «Мушту» журналининг ташкил этишини ҳам бевосита А.қодирий ва ғози Олим Юнусовлар фаолияти билан узвий боғлиқдир.

А.қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвага кетади ва Валерей Брюсо номидаги Журналистлар институтида ўқийди. Аммо Ўзбек матбуоти, хусусан, «Муштум» журнали

билан алоқани узмайди. 1920-25 йилларда унинг матбуотда 300 дан ортиқ турли мавзуларда ҳажвиялари, мақолалари, фелетонлари А.қодирий, Жулкунбой, Овсар, Думбул, Шуғой, Калдек Маҳзум каби имзоларда босилиб чиққан. А.қодирийнинг «Москвадан» туркуми остида бир қанча ҳажвий мақолалари эълон қилинади. 1925 йилда ёзувчининг «Муштум» номли жиддий танқидий мақоласи «қизил Ўзбекистон» газетасида босилади. Мақолада журналнинг ўша кезлардаги фаолияти, истиқболи таҳлил қилинган. Бу мақолани ғаразғўйлик деб қабул қалувчилар ҳам бўлган. Бу мақоладан сўнг адибга ғараз қалувчиларни, 1926 йилда яна «Муштум» да босилган «йиғинди гаплар» ҳажвий мутойибаси жумбушга келтиради. Натижада адибни 1926 йил 8 мартда акселинқилобги деган айблов билан қамашига сабаб бўлади. Бироқ гувоҳларнинг берган кўрсатмалари сохта эканлиги маълум бўлиб қолгач, уни озод қилинади.

1923-26 йиллар давомида «Муштум» журналининг қиёфасини белгиловчи, ҳажвий қисса жанрининг етук намуналари бўлиши «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат Жатанг нима дейди?» каби асарлари босилди. «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан» қиссасида ҳақиқий ҳаётда бутунлай узулган, хурофотдан бошқа нарсани кўра олмайдиган маҳалла масжиди имоми Калвакнинг кулгили саргузаштлари, туғилишидан бошлаб бошидан кечирган воқеа-ходисалар ҳикоя қилинади. Калвак маҳзум тарққиёт душмани. Ҳар қандай ижобий ўзгаришларга қарши. У шу даражада мутаассибки руҳоний билимларни ҳам ёлчитиб ўрганган эмас. Шунингдек А.қодирий ўзбек романчилигининг асосчиси сифатида яратган «Ўтган кунлар» романи 1926 йилда бошлаб босилиб чиққан бўлса, «Меҳробдан чаён» романи 1929 йилда нашр этилди. 1934 йилда эса «Обид кетмон» қиссаси дунё юзини кўрди. А.қодирийга ҳалқ душмани, миллатчи, акселинқилобчи айбларини ёпиштириб 1937 йил 31 декабрда қамокқа олишади ва 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ўлдиришади.

Ақлий хужум учун саволлар:

1. А.қодирийнинг рус маданиятига муносабати қандай бўлган?
2. «Ўтган кунлар» нинг асосий татқиқчилари кимлар?
3. А.қодирий ҳикояларида кимларни ҳажв қилган?
4. А.қодирий қайси мадрасани битирган?
5. А.қодирийнинг асарлари энг кўп босилган журнални айтинг?
6. А.қодирийнинг шеърларидан намуна айтинг:
7. А.қодирий драммаларини сананг?
8. А.қодирий ҳикояларини сананг?

Адабиётлар;

1. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 йил.
2. История Ўзбекской литературы. Т. I. в. III. томах. Т. 1988 г.
3. А.қодирий. Кичик асарлар. Т. 1969.

Мавзу: Абдулхамид Чўлпон (2 соат)

Режа:

1. Чўлпон-замон куйчиси;
2. Чўлпон-новатар шоир;
3. Чўлпон ўзбек миллий шоири;
4. Чўлпоннинг ҳаёт йўли;
5. Чўлпон-жадид ижодкор;
6. Чўлпон кўпқиррали ижодкор;
7. Ижодкор ҳаётининг сўнгги йиллари;

Чўлпон XX аср ўзбек адабиётининг машхур намоёндаларидан бири. Унинг ижодий фаолияти адабиётимизнинг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил қилади. У бадиий ижоднинг деярли ҳамма тури билан шуғулланган: шеър, ҳикоя, роман, драма, танқид, таржима-ҳаммасида ижод қилган. Лекин, биринчи навбатда, фалклёрона янги ўзбек шеърятининг бошловчиси бўлиб тарихга кирди. У ананавий мумтоз шеърятимизни содалаштирди. Воқелик янги шеърый тизим учун ҳам асосий тасвир объекти бўлиб, ҳамда баҳолайдиган мезон

бўлиб қолаверди. Чунки давр шуни тақозо қилган эди. Шеърят ҳеч қачон кундалик халқ ҳаётига бу қадар яқин кириб бормаган эди. Халқ ҳаётида юз берган ҳар бир ҳодиса унда ўша захотиёқ акс садо топди. Ҳар бир ҳодиса Ватан ва Миллатнинг манфаати нуқтаи назаридан ёритилди. Замон қоршиқ эди. Бир томондан, мустабит чор уммати қулаб, тарих мустамлака зулмини тортиб келган миллатларга ўз мустақилликларини ўрнатиш учун буюк бир имкон берди. Айни пайтда, шўролар ижтимоий озодликни, йўқсилпарварликни байроқ қилиб, меҳнатқаш Туркистон қалбини забт этмоқ учун курашни кучайтирдилар. Бунга эришдилар. Шўролар тузуми, 1917 йилдан 1929 йилгача ўтиш даврини бошидан кечирди. Ўтиш даврининг ўз хусусиятлари бор, албатта. Масалан ўзбек миллий шеърятини ифода ва тимсоллар тизимида ошқоралаикдан пинхонийликка охангда эса, кескинликдан мураса томон боргани кўринади. Шунга кўра, шеърятимизда 10-

йилларда хитоб ва чакириқлар –марсилар кучли бўлса, 20-йилларда рамзий тимсоллар имо ишоралар кўп. Янги шеър биргина ғоя ва мазмуни эмас, нафосатига кўра ҳам миллий эди. Чунки, арабча, фарсча сўзлар ўрнига ўзбекча ананавий фолькларий сўзларга эътибор қаратилиши арабий аруз ўрнига қадимий ва навқирон фаликлордаги бармоққа мурожат қилиниши, сарбастнинг кириб келиши бунга далил. Айни пайтда, бу шеърят, шу жумладан, Чўлпон поэзияси, бир томондан, Шарқнинг бой манавияти ананаларига суянса, иккинчи томондан ғарбнинг рангин фалсафасидан, оҳангларидан ҳам озиқ олди. Чўлпон шеърятини Шарқ ва ғарбни жамбул жам эта олган шеърятдир.

Чўлпон тахаллуси билан шуҳрат топган Абдулҳамид Чўлпон 1897 йилда Андижон шаҳрининг қатортерак маҳалласида дунёга келган. Отаси Сулаймон Мулламуҳаммадюнус ўғли Баззоз бўлган. Баззоз-газламафуруш дегани. Оила ўзига тўқ бўлган. Сулаймон баззоз замонасининг зиёлиларидан бўлган. «Расво» тахаллуси шеърлар ҳам ёзган.

Абдулҳамид дастлаб эски мактабда, сўнг Андижон, Тошкент мадрасаларида ўқиган. Кейин Андижонда рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. Чўлпон ёшлигидан матбуотга қизиққан. Машҳур бошқирд олими Заки Валиди (1890-1970) билан 1913 йилда танишган. Унинг 1912 йилда нашр этилган «Турк ва татар тарихи» китоби Чўлпонда катта таъсурот қолдирган. Хуллас Чўлпоннинг матбуотдаги шеър ва мақолалари 1914 йилдан кўринади. «Садойи Туркистон» газетаси 1914 йил 14 апрель сониди «15 яшар Абдулҳамид афанди» нинг «Туркистонли қардошларимизга» шеърини муштарийларга ҳавола этар экан, ўқувчиларни «ёшгина қалби ила ёруғлик ва илм маориф йўлига бошлаган» идан мамнунлигини яширмаган. Ўша йили «Садойи Туркистон» нинг 29 апрель сониди чоп этилган «қурбони жаҳолат» ҳикояси Чўлпоннинг биринчи насрий асаридир. Дастлабки асарлари «Абдулҳамид Сулаймон» «Абдулҳамид Сулаймоний» имзолари билан босилган. Кейинроқ «қаландар», «Мирзақаландар» ва нихоят, «Чўлпон» тахаллуслари билан чиқди. Тарихга Чўлпон номи билан кирди.

Муаммо:

Чўлпоннинг 1915-20 йиллардаёқ ёзган шеърларида сиёсий етуклик намуналари сезилиб туради. У Бошқирдистон ва Оренбургда нима ишлар билан шуғулланган? Чўлпоннинг ижодий фаолиятига Заки Валидий, В.Янларнинг таъсири ҳақида гапиринг.

Чўлпон Тошкентда ўқиб юрган кезлари сиёсий жихатдан ўсади. Мадрасани тамомлаб 1919 йилдан Фитрат билан бирга «Чиғатой гурунги» да иш олиб боради. «Иштирокию», «қизилбайроқ», «Туркистон», «Бухоро аҳбори» газеталарида масъул лавозимларда ишлаган. 1922 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Чўлпоннинг 14 та шеъри босилган. Ўша йили «Уйғониш» номи билан унинг

биринчи шеърий тўплами «Тонг сирлари» ва «Ёрқиной» пьесаси чоп этилган. Бу даврга келиб у замонасининг энг машхур шоири бўлиб улгурган эди. 1927 йил кириб келиши билан шўролар ҳукумати ижтимоий уйғониш байроғи остида миллий уйғонишга қарши хал қилувчи хужумга ўтади. Даврнинг биринчи миллий шоири Чўлпон зиёлилар қурултойидан хайдаб чиқарилади, сўнгра асарларини чиғирикдан ўтказиш бошланади. Асарларини «зарарли» муаллифни эса «душман» дея бошлайдилар. Ботув камалади. Мунаввар қори отилади. Навбат 1931 йилда Чўлпонни Файзулла Хўжаев томонидан Москвага жўнатиб юборилади. Бу тадбиркор раҳбар шу йўл билан шоирни сақлаб қолди.

Чўлпон 1932-34 йилларда Москвада СССР Марказий Ижроия Коммитети апаратида таржимон бўлиб ишлади. Бадиий таржима билан шуғулланди. Шекспирнинг «Хамлет» ини, Карло Таццининг «Маликаи турандот» асарларини таржима қилди. «Кеча ва кундуз» романини ёзди. У Тошкентга 1935 йилда қайтиб келади. Бу ерда шоир хақидаги таққирлар ҳамон давом этарди. У машъум 1937 йилга қадар, икки йил ичида «Кеча ва кундуз» романини ҳамда «Соз» шеърий тўпланини нашрдан чиқаради. «Жўр» шеърий тўпланини босмага топширади. М.Горькийнинг «Она» романини, «Егор Буличев» пьесасини, Пушкиннинг 25 шеърини ва «Дубровский», «Борис Годунов» асарларини, Локутийнинг «Европа сафари»ни таржима қилади.

Чўлпон 1937 йилнинг кузида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланади.

Ақлий хужум саволлари:

1. Чўлпон шеърларидан ёд айтинг?
2. Чўлпоннинг қайси шеъри сизга ёқади, нима учун ?
3. Чўлпон ўзбек шериятига қандай ўзгариш киритди?
4. Чўлпоннинг қайси насрий ва драматик асарларини биласиз?
5. Чўлпон кимларнинг қайси асарларини таржима қилган?
6. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидаги қахрамонларни сананг?
7. Чўлпон Пушкиннинг қайси асарларини таржима қилган?

Адабиётлар:

1. Чўлпон. Баҳорни соғиндим. Т. 1988 й.
2. Чўлпон. Яна олдим созимни. Т. 1991 й.
3. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т. 2004 й.

